

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**ШЕРАЛИЕВ МУҲАММАДИМИН ЭРКИНЖОН ЎҒЛИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши бўйича  
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Иш раҳбари: с.ф.д.,проф.М.Қирғизбоев

**Андижон - 2016**

## МУНДАРИЖА

|                    |   |
|--------------------|---|
| <b>КИРИШ</b> ..... | 3 |
|--------------------|---|

### **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНING ЎРНИ**

- |   |    |
|---|----|
| 1.1. Президент И.А.Каримов миллий-маънавий мероснинг аҳамияти ҳақида..... | 7  |
| 1.2. Алишер Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти.....   | 12 |

### **II БОБ. АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ФАЗИЛ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ ТАЛҚИНИ**

|   |    |
|---|----|
| 2.1. Алишер Навоийнинг жамият ва давлат бошқарувида маънавиятнинг ўрнига доир қарашлари.....                                | 23 |
| 2.2. Алишер Навоий фозил жамият қуришда ҳукмдор ва мансабдор шахсининг маънавий ва ахлоқий фазилатларининг ўрни ҳақида..... | 45 |
| <b>Хулоса</b> .....   | 65 |
| <b>Адабиётлар рўйхати</b> .....   | 68 |

## КИРИШ

*“Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсиркўрсатган улуғ зотлардан яна бири - бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”.*

*И.А.Каримов*

*(“Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридан)*

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов истиқлолнинг дастлабки давридаёқ турли чиқишларида, нутқ ва интервьюларида, жумладан Республика Олий Мажлисининг сессияларидаги маърузаларида миллий маънавиятимиз, ўтмиш маданий меросимиз масалаларига махсус тўхталиб, бунда улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий шахси ва ижодиётининг ўрни алоҳида эканига ва бу буюк мутафаккир асарларини бугунги ёшларга яқинлаштириш хусусида жуда кўп қимматли фикр ва таклифларни илгари сурдилар. Дарҳақиқат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий-илмий мероси ўзбек халқи тарихи ва бадиий тафаккурининг энг юксак чўққиси бўлиб, уни ўрганиш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш ўзлигимизни англаш йўлидаги гоят муҳим вазифадир. Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти давомида турли вазифа ва лавозимларда фаолият юритиб, амалга оширган ишлари, бадиий ва илмий-тарихий асарларида илгари сурган ғоялари жуда кўп соҳалар учун мавзу, ўрганиш объекти бўлгани каби, айни чоғда давлат бошқаруви ва раҳбар шахс маънавияти нуқтаи назаридан ҳам гоят қизиқарли, ибратли ва аҳамиятлидир. Навоий ўзидан аввалги Шарқу Ғарб мутафаккирларининг асарларини чуқур ўрганиб, ўзлаштириб, ўз замонаси учун керакли бўлган хулосаларни чиқариб, идеал мамлакат ва идеал ҳукмдор ҳақидаги ўз қарашларини илгари сурди. Бунда у айнан бизнинг миллий менталитетимизга хос хусусиятларни назарда тутган ҳолда адолатли жамият барпо этиш концепциясини ўз адабий қаҳрамонлари фаолияти, қарашлари ва турли воқеа-ҳодисалар орқали асослаб беришга ҳаракат қилди. Мамлакат бошқарувининг маънавий асослари қандай бўлиши керак деган саволга изчил жавоб излади ва бу жавобларини гоҳи “Ҳамса” дostonларида тасвирлаган ҳукмдорлар образи ёки

подшоҳликка тайёрланаётган шахзодалар тимсолида, гоҳи Хусайн Бойқаро ва бошқа Темурийзода ҳукмдорлар билан ёзишмаларида ёки яна турли ҳукмдорлар тарихи ҳақидаги илмий-фалсафий асарларида акс эттиришга интилади. Алишер Навоий ижодий-илмий меросини Темурийлар даври давлат бошқаруви ва унинг маънавий тамойилларини ўрганиш ҳамда ҳозирги мустақил давлатчилигимиз бошқаруви пойдеворини тиклаш, ривожлантириш, у суянадиган маънавий устунларни белгилашда ўзига хос қомус, йўриқнома деб айтсак муболаға эмас. Шу боисдан ҳам мавзунинг атрофлича ёритилиши бугунги тараққиёт йўлларини аниқ белгилашимизда долзарблик касб этади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоийнинг давлат бошқарувининг маънавий асослари ҳақидаги қарашлари гарчи алоҳида махсус тадқиқот мавзуси бўлмаган бўлса-да, лекин улуғ шоир ҳаёти ва ижодини ўрганган жуда кўп Навоийшунослар рисола ва мақолаларида шунга оид фикр-мулоҳазалар учрайди. Рус шарқшуносларидан Н.Ильминский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, С.И.Иванов, Н.И.Конрад ҳамда М.Белин, Паве де Куртейл, Э.Браун ва бошқа Европалик олимларни Навоий ҳақидаги тадқиқотлар олиб борганлар.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини изчил илмий асосда ўрганиш XX аср бошларидан бошланади. Хусусан жаҳид зиёлилар А.Навоий ижоди ва давлатчилик борасидаги қарашларининг аҳамиятини чуқур ҳис этиб, уни авлодларига яқинлаштириш борасида бир мунча ишлар қилдилар. 1919 йил Абдурауф Фитрат “Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри” номли рисола чоп эттиради. Шундан сўнг Навоийшунослик махсус фан йўналиши сифатида шаклланди, ривожланди. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб О. Шарафитдинов, Ойбек, П.Шамсиев, Иззат Султон, Ғ.Каримов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Ҳоди Зариф, кейинроқ Н.Маллаев, Ҳ.Сулаймонов, Б.Валихўжаев, А.Абдуғафуров, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Эркинов, Э.Рустамов, С.Нарзуллаев, С.Ғаниева, Э.Шодиев, Т.Жалолов, кейинги даврда эса М.Қодиров, Н.Комилов, Ҳ.Ҳомидов, И.Ҳаққулов, С.Олимов каби олимлар навоийшуносликка муҳим ҳисса қўшди. Бу олимларнинг асарларида Навоий ҳаёти ва ижодининг турли қирралари ёритилар экан, уларда

буюк мутафаккир бобомизнинг жамият ва давлат бошқарувининг маънавий асослари, раҳбар ахлоқига оид кўплаб қимматли фикрларига ҳам эътибор берилганини қайд этиш лозим. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам мавзуга оид махсус тадқиқотлар эмас. Ҳуқуқшунос олим Ҳалим Бобоевнинг 1993 йили эълон қилинган “Алишер Навоий буюк давлат арбоби” номли тадқиқоти (рус тилида) мавзуга жуда яқин келади. Бироқ у асосий эътиборини Навоийнинг ҳуқуқий қарашлари, ижтимоий сиёсий фикрларига қаратди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Алишер Навоийнинг фозил жамиятнинг маънавий асослари ҳақидаги қарашларини ўрганиш, уларни ҳозирги фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларида қўллашга тақдим этишга ҳаракат қилиш тадқиқотнинг асосий мақмадини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

-Республикамизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларида уларнинг миллий маънавий асослари сифатида Алишер Навоий қарашларини таҳлил этиш;

-Алишер Навоийнинг фозил жамият қуришнинг маънавий асослари ҳақидаги ижодий, илмий-назарий қарашларини таҳлил этиш;

-Алишер Навоийнинг асарларида акс эттирилган адолатли жамият қуриш ҳақидаги қарашларини ўрганиш;

-Алишер Навоийнинг илмий, илмий-тарихий асарларида жамият ва давлат бошқаруви ва унинг маънавий омиллари хусусидаги фикрларини кўриб чиқиш;

-Алишер Навоийнинг фозил жамият қуришда ҳукмдор ва мансабдор шахсларнинг ахлоқий фазилатларини юксакликка кўтаришга доир қарашларини таҳлил этиш;

-Мавзуни очиб бериш натижаси ўлароқ таҳлиллар якуни сифатида хулосалар шакллантириш.

**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарларидан келиб чиқадиган хулосалар, миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларида илгари

сурилган фикрлар, Алишер Навоий ҳақидаги хорижий ва ўзбек навоийшуносларининг тадқиқотларида баён қилинган ижтимоий-фалсафий, илмий-назарий қарашлар тадқиқотнинг методологиясини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** мустақиллик даврида янги миллий давлатчиликни барпо этишда миллий маънавий меросдан фойдаланиш, хусусан Алишер Навоийнинг жамият ва давлатни бошқаришда маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг ўрни ҳақидаги қарашларни мустақил равишда талқин этиш ишнинг илмий янгилигини ифодалайди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти** Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-фалсафий қарашларида акс этган бошқарув маданиятига оид концептуал фикрларни яхлит ҳолда таҳлил этишга уҳаракат қилиш ва унинг ўқув жараёнларига тадбиқ этиш ва фойдаланишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг тузилиши:** Битирув-малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ**

## **1.1. Президент И.А.Каримов миллий-маънавий мероснинг аҳамияти ҳақида**

Миллий давлатчилик тамойилларини шакллантиришда миллий маънавиятнинг ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш маънавий мероснинг аҳамияти нақадар катта экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Миллий маънавият миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини қамрайди, уларни яхлит тизимда тутиб туради. Ўтмиш аجدодларимиз мероси тажрибаси эса, бугунги ва келгуси давлатчилик фаолиятида, уни ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўзига ҳос пойдевордир.

Шу сабабли ҳам И. А. Каримов Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган дастлабки кунларданок халқ маънавиятини юксалтиришга, аجدодларимиз маънавий меросини тиклашга биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали шўролар тузуми мавжуд бўлиб, юртимиз “совет социалистик республикаси” деб аталган даврда — 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимга муносиб топилгач, Ўзбекистон Президентининг биринчи нутқидаёқ халқни, ҳар бир фуқарони ахлоқий ва маънавий юксалтириш масаласи давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.<sup>1</sup> Маънавият деган сўзни юқори доираларда ишлатиш мутлақо урф бўлмаган ўша замонларда бу тушунчага янгича ёндошув, ўша пайтлар республика раҳбари учун катта жасорат эди.

Миллий мустақиллигимизнинг иккинчи йилида Президент “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг алоҳида боби “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари”

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 65-бет.

деб номланди ва унда илк бор халқ маънавиятини ривожлантириш масалалари батафсил таҳлил этилди<sup>2</sup>.

1995 йил феврал ойида илк бор кўппартиявийлик асосида ўтказилган эркин ва демократик сайловлар ҳосиласи бўлиши Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимиз “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” мавзуида катта маъруза қилиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига оид муҳим масалалар билан бир қаторда миллатнинг маънавий тақомили йўналишида ҳам янги ёндошувлар, долзарб муаммоларнинг пухта ўйланган ечимларини халқ намояндалари муҳокамасига ҳавола этди. Унда, аввало, 130 йиллик мустамлака асоратидан қутулиб, қайта қад ростлаган мустақил давлатчилигимизнинг бетакрор қиёфаси очиқ берилди. Унинг халқимиз, миллатимиз “тарихий ва маънавий тараққиётининг” самараси, “ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг” натижаси эканлиги қайд этилди<sup>3</sup>. “Социализм” ғояларининг халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилгани, улар халқимизни манқуртлаштириш учун хизмат қилгани очиқ айтилди.

Тараққиёт, янги давлатчилик тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Шундай экан, давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш баробарида маънавиятга ҳам доимо алоҳида эътибор ажратиш талаб этилиши воқеий заруратдир. Юртбошимиз маърузасининг “Юксак маънавият - келажак пойдевори”<sup>4</sup> деб номланган фаслида мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида бу соҳада эришган ютуқларни тилга олиш баробарида келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳлил этиб берди. “Эндиги асосий вазифа, — деб фикрини изҳор этди юртбошимиз, — кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир”<sup>5</sup>. Бунинг учун ҳар биримиз “босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб”, “буюк маданиятимиз

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар. 1-жилд, 76-85-бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, 6-бет.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, 33-42-бетлар.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, 34-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, 34-бет.



томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак”<sup>6</sup>.

Президентнинг барча нутқ ва рисолаларини маънавият мавзуси нуқтаи назаридан бирма-бир кўздан ўтказиб чиққан одамни хайратга соладиган нарса шуки, аждодларимиз яратган маънавий мерос, халқимизнинг дилида сараланиб келаётган, унинг оғзаки ижоди, ҳикматлари, матал ва мақолларида акс этган эзгу ақидалар ва Ўзбекистон Президентининг маънавият масалаларига муносабати, мулоҳазалари, фикр йўналиши ўзак-ўзагидан ўзаро мувофиқ ва уйғундир.

Ислом Каримов давлат бошқаруви ва раҳбар шахс тушунчасининг мутлақо янги талқинини беришда ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим из қолдирган давлат раҳбарлари тажрибасига таянади. Бу борада у аввало буюк аждодимиз Амир Темур (1336-1405) тажрибасини оммалаштирди. 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилиниши муносабати билан сўзлаган нутқида Президентимиз шундай деган эди: “Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир”<sup>7</sup>.

Ҳақиқатан ҳам буюк Амир Темур барча соҳалар қаторида раҳбар шахс тушунчасига доир энг мақбул фикрларни билдирган. У бу борада қуйидаги 12 талабга жавоб берган шахсни раҳбар деб ҳисоблашини ёзиб қолдирган:

“Биринчи. Раҳбар ўз сўзига эга бўлиб, ишини билиб қилсин.

Иккинчи. Раҳбар ҳар бир ишда адолатпеша бўлсин.

Учинчи. Раҳбар қоида-низомларга итоат қилсин.

Тўртинчи. Раҳбар ўз қарорида қатъий бўлсин.

Бешинчи. Раҳбар ўз қарорининг бажарилишини таъминласин.

Олтинчи. Раҳбар ўз вазифасини ўзгага топширмасин.

Еттинчи. Раҳбар ўз фаолиятида ҳар кимнинг сўзини эшитиб, фикр олсин.

Саккизинчи. Раҳбар масалаларни ҳал этишда ўз фикрига эга бўлсин.

Тўққизинчи. Раҳбар фаолиятидан барча қониқсин.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, 7-бет.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 21-б.

Ўнинчи. Раҳбар ўз сўзи ва қарорида қатъий турсин.

Ўн биринчи. Раҳбар ўз вазифасини адо этишда таъмага йўл қўймасин.

Ўн иккинчи. Раҳбар сергак бўлсин”<sup>8</sup>.

Амир Темурнинг раҳбар шахслар тўғрисидаги бу қарашлари 600 йил ўтиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан ҳам эътиборлидир. Шу сабабли, И.Каримов “Амир Темур шахсини бутун маърифий инсоният бойлиги” сифатида қабул қилади. Айни чоғда таъкидлаш лозимки, Амир Темур раҳбар шахсни ўз даврига нисбатан талқин қилганди. Президентимиз томонидан бу ҳол янги даврга мувофиқ талқин этилиб қабул қилинди.

Адолат давлат бошқарувида ва раҳбар шахс маънавиятининг асосий ғояларидан бири сифатида Юртбошимиз томонидан алоҳида эътиборга олинган. Бу борада у яна Амир Темур шахсидан илҳомланади. “Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган, - дейди у, - Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадат оламиз”<sup>9</sup>. Маълумки, Амир Темур “Куч – адолатда” тамойилига асосан давлатни бошқарган. У қуйидаги 12 қоидага биноан бошқарувни ташкил қилган:

Биринчиси, ўз даврида мавжуд қадриятларга асосланиш.

Иккинчиси, жамиятни 12 та ижтимоий табақага бўлиб бошқариш.

Учинчиси, ҳар бир ишда кенгашиб йўл тутиш.

Тўртинчиси, бошқарувда фақат қонунларга итоат қилиш.

Бешинчиси, давлат хизматчиларини рағбатлантириб бориш.

Олтинчиси, фуқароларни рози қилиш.

Еттинчиси, элнинг азиз кишиларини муҳтарам тутиш.

Саккизинчиси, шижоат билан иш юритиш.

Тўққизинчиси, фуқаро аҳволидан ҳамиша огоҳ бўлиш.

Ўнинчиси, хизматдаги фаол кишиларни қадрлаш.

Ўн биринчиси, яхши кишилар хизматини унутмаслик.

<sup>8</sup> Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 86-87-бетлар.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998. 15-б.

Ўн иккинчиси, кўшиннинг таъминотини талаб даражасида йўлга қўйиш<sup>10</sup>.

Бу Амир Темур бошқарувда қўллаган адолат тамойилларидир. Уларнинг моҳиятини фақат инсон манфаатлари ташкил қилади. Буюк Амир Темур таъкидлайдики, “Давлат агар қонун-тартиб асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади”<sup>11</sup>.

Эътибор берилса, Амир Темур ва собиқ совет тоталитар давлатларининг бошқарувида ер билан осмон оралиғичалик фарқ бор. Амир Темур адолатни бош шиор қилиб танласа, Совет идеологлари зўравонликни қонунлаштирди. Шу сабабли, Ислом Каримов совет тоталитар жамияти тарбиясини олган раҳбар шахсларни Амир Темурнинг раҳбарлик усулига биноан қайта тарбиялашни лозим кўради. “Амир Темур бобомизнинг “Куч-адолатда” деган машхур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч – билим ва тафаккурда” деган бўлардим. Келгусида бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади”<sup>12</sup>. Шу маънода раҳбар маънавияти ғоясининг адолат элементини одиллик, билим ва тафаккур ташкил қилади. “Одиллик” – инсонийлик туйғуси, “билим” – инсонийлик йўли ва “тафаккур” эса инсонийлик тантанасидир. Бу тушунчалар Адолатни енгилмас куч-қудратга айлантиради, раҳбарнинг бош қуроли сифатида намоён бўлади. Раҳбар шахс бу кучсиз ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Президент Ислом Каримов тақдим қилган янгича бошқарув ва раҳбар шахс маънавиятини ташкил қилувчи фазилатлар бир инсоний хислат – Адолатнинг шаклланишига олиб келади. Ислом Каримов бу хислатни кенг талқин қилади. Жумладан, у раҳбар адолати ҳақида шундай дейди: “Раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо

---

<sup>10</sup> Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 68-72-бетлар.

<sup>11</sup> Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 72-бет.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 8-бет.

адолатсизликка чидай олмайди. Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган”<sup>13</sup>. Шу маънода янги давлатчилигимизни ҳамда раҳбар маънавиятини ташкил қилувчи фазилатлар Адолат хислатини шакллантириши лозим.

Биз минглаб йиллар мобайнида яратилган жуда бой маънавий меросга эгамиз. Айниқса, бу борада Аҳамд Фарғоний, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳамд Яссавий, Абдухолик Ғиждувоний, Абу Наср Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Зокиржон Фурқат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло ва Абдулла Қодирий, Чўлпон кабиларнинг асарлари айниқса, муҳим ўрин тутди<sup>14</sup>. Чунки, бу буюк аждодларимиз ва улар яратган асарлар тарихий хотирамизни тиклаш, ўзчилигимизни англаш ва янги давлатчиликни унинг тамомила ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини барпо этишда биз учун асосий таянчидир. Маънавий меросидан маҳрум халқ ҳеч қачон ўз йўлини топа олмайди. Зеро, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Миллий маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсондир”<sup>15</sup>.

Давлатимиз раҳбари айнан ана шу қарашларига қатъий амал қилган ҳолда миллий давлатчилигимиз асосларини барпо этди ва уни ривожлантириб келмоқда.

## **1.2. Алишер Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти**

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти унинг давлатчилик ва бошқарув ҳақидаги илмий-назарий қарашлари учун муҳим тажриба, асос бўлган. Шу сабабли буюк бобомиз таржимаи

<sup>13</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 239-бет.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998. 8-9-бетлар.

<sup>15</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон яёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 19-20-бетлар.

холини, унинг арбоб сифатидаги амалий ишларини ўрганмай туриб. Белгиланган мавзунини тўла ёритиш мумкин эмас.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина ва бир неча қариндошлари темурийлар саройига яқин турган амалдорлар, бувилари эса темурий шаҳзодаларнинг энагалари бўлган. Алишер гўдаклигида темурий шаҳзодалар билан бирга тарбияланади. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар. Зийрак ва қобилиятли Алишер мактабдаги бошқа болалардан ажралиб турар ва катталарнинг диққатини ўзига жалб қилар эди. Бироқ Ҳиротдаги ўқиш узоққа чўзилмади.

Шаҳзодалар ва амир-амалдорлар ўртасида тож-тахт учун бўлган кураш кучайиб бормоқда эди. Тож-тахт талашлари тўқнашувларга айланиб, мамлакатнинг хароб ва халқнинг янада хонавайрон бўлишига сабаб бўлар эди. Айниқса 1447 йилдан – Шохруҳ мирзо вафотидан кейин темурийларнинг тож-тахт талашини ҳолатда кескинлашиб кетди. Хуросонда қизиб кетган ўзаро уруш-жанжаллар кўп кишиларни турли томонга кўчиб кетишга мажбур этди. Жумладан, Навоийлар оиласи Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлади. Тафтда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий турар эди. Ёш Алишер бу олимнинг суҳбатида бўлди. Али Яздий ёш Алишернинг ақли ва фаҳм-фаросатидан ғоят хурсанд бўлди.

Орадан 2-3 йил ўтгандан кейин ўзаро феодал урушлар хийла пасайди ва Хуросонда бирмунча тинчлик бошланди. 1452 йилда Алишер оиласи Ҳиротга қайтиб келди. Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобир (1452-1457) саройида хизмат қила бошлади. Кўп ўтмай Абулқосим Бобир уни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади. Навоий Ҳиротда қолди ва ўқишини давом эттирди.

Алишер айниқса адабиётни севди. Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга зўр ҳавас туғдирган эди. Алишернинг отаси маърифатпарвар киши ва санъат ҳамда адабиёт муҳибларидан эди. Алишернинг Абусаид Мирзо томонидан қатл қилинган тоғалари Мир Сайид (тахаллуси Кобулий) ва Муҳаммад Али (тахаллуси Ғарибий) ҳам қобилиятли шоир бўлган эдилар.

Алишер бадий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмади.

Унинг ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. Навоийнинг неча ёшидан бошлаб шеър ёзганини билмаймиз. Лекин шуниси маълумки, у 10-12 ёшларидаёқ бадиий завқи ва диди ҳамда илк шеърлари билан танилиб, катта санъаткорлар ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди.

Алишер отадан ёш етим қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобир қарамоғида тарбиялана бошлади ва 15 ёшида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобирнинг саройида хизмат қила бошлади. Абулқосим Бобир 1456 йилда Машҳадга жўнади. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳам Абулқосим Бобир билан Машҳадга бориб, ўша ерда ўқишни давом эттиришади. 1457 йилда Абулқосим Бобир вафот этади. Навоий Машҳадда қолиб ўқишни давом эттиради. Мансаб ва давлат орзусида юрган Ҳусайн Мирзо Марвга бориб, тахтни эгаллаш учун куч тўплай бошлайди.

Машҳадда қолган Навоий мантиқ (логика), фалсафа, риёзиёт (математика) ва бошқа фанлар билан шуғулланди, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини кунт билан ўргана бошлади. Ўзбек ва форс-тожик тилларида бир қанча шеърлар битди. У икки тилда ҳам гўзал шеърлар ёзгани учун “зуллисонайн” (икки тил эгаси) номи билан шуҳрат қозонди. Ўзбек тилидаги шеърларида у “Навоий” (“наво” сўзидан) тахаллусини қўллайди.

Ҳиротдаги тож-тахт талашлари бирмунча пасайгандан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. 1459 йилда Хуросон тахтини ҳам эгаллаган Абусаид энг жоҳил ва золим феодал ҳукмдорлардан эди. Шафқатсиз Абусаид жуда кўп кишиларни, ҳатто ўз қариндошларини, жумладан, Улуғбекнинг бир неча оила аъзоларини қатл қилди.

Абусаид саройида бир оз вақт хизмат қилган Навоий тезда унинг сиёсатидан қаттиқ ғазаблана бошлади, эл-юртнинг мусибатли ҳаётига ачинади.

Навоий кейинчалик “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) достонида бу золим ва жоҳил ҳукмдор ҳақида сўзлаб, унинг ҳалокатига қўшиннинг норозилиги сабаб бўлди, деб кўрсатади: “Султон Абусаид... кўп мамлакатлар олди ва тиг билан... элга ошшуб солди ва лекин сипоҳиси (қўшини) рози эмас эркандин, уруш вақти барча қўзғалди ва ўзи аду (душман) аро таҳликага қолди”.

Абусаид ҳам Навоийнинг норозилигини билар эди. Табиийки, Абулкосим Бобирнинг ўрнига Хуросон тахтига ҳам чиқиб олган Абусаид Бобирнинг яқин кишиларига, жумладан, Навоийга хайрихоҳ бўлолмас эди. Навоий Абусаидга қарши тож-тахт учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқаронинг мактабдоши ва дўсти эди. Навоийнинг тоғалари эса Абусаидга қарши кўтарилган бадахшонийлар харакатини кўллаб-қувватлаган эдилар. Шуларга кўра, Абусаид Навоийни, Захириддин Бобир (1483-1530) сўзи билан айтганда, Ҳиротдан “ихрож” (сургун) қилди.

Навоий 1460 йиллар ўрталарида Самарқандга келди. Самарқандда дастлабки пайтларда моддий қийинчиликда яшади, лекин шунга қарамай, Самарқанд мадрасаларига қатнади, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳли билан яқинлашди, билим савияси, истеъдоди ва қобилияти билан тез орада обрў ва эътибор қозонди. Вафойи тахаллуси билан яхши шеърлар битган Самарқанднинг маърифатпарвар ҳоқими Аҳмад Ҳожибек, олим Фазлуллоҳ Абуллайс ва бошқалар Навоийга ҳомийлик қилиб, унга ҳар томонлама кўмаклаша бошлайдилар. Замонасининг машҳур олими Фазлуллоҳ Абуллайс Навоийга мударрислик қилади ва уни ўзига фарзанд деб ҳисоблайди.

Самарқанд Ўрта Осиёнинг энг йирик маданий марказларидан бири эди. Самарқандда бир қанча атоқли олимлар, санъаткорлар ва Мирзо Ҳожи Сўғдий, Сайид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафойи, Шайхим Сухайлий каби шоирлар бор эди. Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Ҳирот ва бошқа жойлардан кўп кишилар Самарқандга келиб, унинг машҳур мадрасаларида таҳсил олар, олимлари, санъаткорлари ва шоирлари билан ҳамкорлик қилар эдилар. Самарқанд Навоийнинг ҳам ҳаёти ва ижодида жуда катта роль ўйнайди. Навоий бу шаҳарда ўз билимини мукаммаллаштирди, бадиий ижод соҳасидаги тажрибаларини бойитди.

Навоий Самарқандда Саккокий ва бошқа шоирларнинг бадиий мероси билан яқиндан танишди. Самарқанддаги маданий ёдгорликлар, айниқса Улуғбек обсерваторияси ва Улуғбек мадрасаси унда катта таассурот қолдирди. Навоий кейинчалик бу таассуротларини ўз асарларида, жумладан, “Ҳамса”сида ифодалади.

У Самарқандда Мовароуннаҳрнинг географик ҳолатини ўргана бошлади. Сайхун (Сирдарё), Жайхун (Амударё) ва Кўҳак суви (Зарафшон) дарёларининг хўжаликнинг ривожини учун катта аҳамиятга эга эканини тушунди, дарёлардан деҳқончилик ишлари учун кенг фойдаланиш зарурияти устида фикр юритиб, мамлакатни сув билан маъмур этишни орзу қилди. У Самарқанднинг меҳнаткаш табақалари, жумладан, касиб-хунармандлари ҳаёти билан қизиқди, уларнинг яхши фазилати, ҳуқ-атвори ва меҳнат маҳоратидан мамнун бўлиб, уларни самимий мақтади.

Навоий Самарқандда, ўрни келганда, сиёсий ишларга ҳам араллашиб турди, айрим золим амалдорларни қоралади, ўлимга ҳукм қилинган гуноҳсиз кишиларнинг ҳаётини бир неча бор сақлаб қолди (Тарихчи олим Хондамир “Мақоримул-ахлоқ”да Навоийнинг бу инсонпарварлик фазилатларини ёрқин ифода этувчи бир неча воқеани ҳикоя қилади).

Шундай қилиб, Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижоди учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани каби, Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти Самарқанд маданий ҳаётининг равнақи ва, умуман, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққийси учун катта ҳисса қўшди. Навоий Самарқандда 1469 йилга қадар турди. Тож-тахт орзусида юрган Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот тахтини эгаллаб олиши учун шу вақтларда қулай бир воқеа юз берди. 1468 йилнинг охирида Абдсаид Фарбий Эронни эгаллаш учун жанг олиб боради. Жангда Абусаиднинг қўшини енгилиб, унинг ўзи ўлдирилади. Шу вақтда Ҳирот остоналарига яқинлашиб қолган Ҳусайн Бойқаро фурсатдан фойдаланиб, 1469 йилнинг бошларида Ҳиротга киради ва тахтни эгаллайди. Худди ўша йилнинг апрель ойида Навоий Ҳиротга қайтиб келади.

Алишер Навоийдек обрўли ва тадбирли кишиларга муҳтож бўлган Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан мамнун бўлиб, уни саройга чақиради ва муҳрдорлик вазифасини топширади. Бу мансаб энг катта мансаблардан бири бўлиб, давлатнинг ҳар қандай ҳужжати муҳрдор орқали расмийлаштирилар, муҳрдор муҳр (печать) босар ва имзо чекар эди.



Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашда ва мамлакатни майда қисмларга бўлиб юборишга интилаётган шахзода ва амир-амалдорларга қарши курашда катта иш кўрсатди Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фoš қилиб, мамлакат ва халқнинг осойишталигига бутун кучни сарф қилди. Солиқларни халқдан орттириб олаётган баъзи бир амалдорлар Навоийнинг талаби билан ишдан четлаштирилди. Бу эса Навоийнинг халқ орасидаги обрўйини янада ошириб юборди.

Муҳрдорлик вазифаси Навоийнинг ижодий ишлар билан кўпроқ шуғулланишига имкон бермас эди. Шунинг учун у бу вазифадан истеъфо берди. Лекин Ҳусайн Бойқаро ўз давлат аппаратида Навоийдек тадбирли ва донишманд кишининг бўлишини зарур деб ҳисоблаб, орадан кўп вақт ўтар-ўтмас (1472 йилда), Навоийни амирлик (вазирлик) вазифасига тайинлади.

Навоийни мансаб ва шахсий шон-шавкат эмас, балки эл-юрт учун хизмат қилиш қизиқтирар эди. Шунга кўра, у мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларнинг олдини олишга интилар, Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғиллари ўртасидаги низо-адоватларни бартараф қилишга ҳаракат қилар эди. Айниқса у ободончилик ва маданий ҳаёт соҳасида жуда катта хизматлар қилди.

Алишер Навоий ўз атрофига олимлар, ёзувчилар ва санъатнинг турли соҳаларидаги кишиларни жалб этди, уларга ҳар томонлама ёрдам берди. Навоий бу кишиларнинг кўпига ҳомийлик қилди, ижодий ишларига раҳбар бўлди, моддий ва маънавий кўмак берди.

Машҳур рассом Бехзод, хаттот Султон Али каби кишилар ҳам бевосита Навоийнинг ҳомийлигида камолга етган эдилар.

Навоий вазирлик вақтида ҳам, ундан кейин ҳам ободончиликка катта аҳамият берди. Подшолигининг дастлабки йилларида Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ободончилик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлади, давлат хазинасидан маблағ ажратди. Шу билан бирга, Навоий ободончилик ишларига ўз маблағини аямай сарф этди. Самарқандда жуда муҳтожликда яшаган Навоий Ҳиротга

кайтганидан кейин, отасидан қолган мол-мулкка эга бўлди, Ҳусайн Бойқаро унга Ҳирот, Сабзавор ва бошқа жойлардан катта мулк ажратиб берди. Навоий бу мулкда ишловчи меҳнаткашларга ҳиммат ва марҳамат билан қарар, олиқ-солиқларни енгиллаштирар, етим-есирларга, мусофирларга, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига инъом-эҳсон қилар эди. Бир сафар хатто Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига солинган юз минг динор қўшимча солиқни у ўз маблағидан тўлаб юборгани Навоий замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган.

Навоийнинг ташаббуси билан жуда кўп ва хилма-хил бинолар қурилди, боғлар барпо қилинди, ҳовуз ва ариқлар қазилди. (буларнинг рўйхати ва тафсилотлари Хондамирнинг “Мақоримул-ахлоқ” китобида ҳамда Навоийнинг “Вақфия” ва бошқа асарларида келтирилган.) Шулардан бири Халосия хонақоҳи бўлиб, Хондамирнинг маълумотларича, у ерда мусофир ва қашшоқ кишиларга овқат тортилар ва ҳар йили 2000 га яқин пўстин, чакмон, кўйлак-лозим, кавуш улашилар экан. Бундан ташқари, у Жамоатхона хонақоҳи, Сари Хиёбон, Ҳавзак, Чилдухтарон, Тарноб ва Панждеҳ каби бир неча ўнлаб работ, кўпгина мақбаралар, масжидлар қурдиради, бир неча ҳовузлар қаздиради, ариқлар очади. Сувсиз ерларга сув чиқариш ишига катта аҳамият берган Навоий Тус вилоятининг Чашмаи Гулист булоғидан Машҳадга сув келтириш учун ўн тош (70 км га яқин) келадиган ариқ қаздиришга киришади. Навоий бинолар қуриш ва ҳовуз-ариклар қазишда ишлаётган кишиларни турли йўллар билан рағбатлантирар, уларга зиёфат ва инъомлар берар, кўп вақт ўзи иш бошида туриб, енг шимариб усталар ва маридкорлар билан бирга ишлар эди.

Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти ва маданий соҳадаги ишлари ҳасадгўй гуруҳларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Улар давлат хазинасини ободончилик ишларига ва маданий ишларга сарф қилишни истамас эдилар. Улар ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқнинг манфаатларидан афзал кўрар эдилар. Ўша гуруҳлар Навоийни сарой ишларидан четлаштиришга, Ҳусайн Бойқаронинг жиловини ўз қўлларига олишга интилар, шоирга қарши бўҳтонлар ёғдиради, иғволар тўқир эдилар.

Навоийнинг вазирлик мансабида туриши учун ортиқ шароит қолмаган эди. У мамлакат ва халқ учун кўпроқ ижодий ишлар билан хизмат қилишга аҳд қилади ва 1476 йилда вазирлик мансабидан истеъфо беради. “Навоий, - дейди Хондамир юқорида кўрсатилган асарида, - “...Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал” деган сўзларга амал қилиб, амирлик тахтини ва ҳукумат маснадини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсониятга очиқ қўйди. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, пур алам даҳр касалларига адолат шарбати билан шифо бахш қилди.

Бир неча йил “халқ ўртасида ҳукмронлик қилсангиз, адолат билан ҳукм юритинг” сўзларига амал қилиб:

Зи мансаб рўй дар бемансаби неҳ,

Ки аз ҳар мансаби бемансаби беҳ.

деган байтнинг мазмунини хотирадан ўтказиб, амирлик мансабидан истеъфо берди...”. Лекин, шунга қарамай, Навоий мамлакатнинг сиёсий ишларидан тамомила узоқлашмади. У Хусайн Бойқарони маърифатли подшо қилиш ниятидан воз кечмади, унга умид ва ишонч билан қаради. Навоий сарой доирасидаги низоларнинг олдини олиш, ободончилик йўлидаги тадбир ва режаларини давом эттириб, яна кўп хизмат қилди.

Навоийнинг ободончилик соҳасидаги ишлари, бадий ижодиёти, ёш олим ва санъаткорларга самимий ёрдами, халқнинг арз-додига кулоқ солиши унинг душманларини, хусусан, Мажидиддинни тобора қаттиқроқ тинчсизлантирмоқда эди. Хусайн Бойқаро ободончилик ва маданий соҳадаги ишлардан хийла четлашиб, айш-ишратга берилган эди. Саройдаги айш-ишратлар, амалдорларнинг суистеъмоли, исрофгарчиликлари давлатнинг моддий аҳволини оғирлаштирган эди. Бу аҳволдан ҳам қора гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Навоийнинг талаби билан саройдан узоқлаштирилган Мажидиддин саройнинг бирор катта мансабини эгаллаш учун пайт пойлаб юрар эди. У ўз мақсадини амалга ошириш учун саройнинг молиявий танглигидан фойдаланди. У бир неча туман

ақчага мухтож бўлган Ҳусайн Бойқаронинг хазинасига бир йўла 2000 туман ақча келтириб топширди. Бундан мамнун бўлган Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазир қилиб тайинламоқчи бўлди. Бироқ Навоийнинг бу тadbирни маъқулламаслигидан бирмунча ташвишга тушди.

Навоийнинг душманлари уни пойтахтдан узоқлаштиришни зўр бериб талаб қилмоқда эдилар. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлади. Бу билан у, биринчидан, Навоий душманларининг талабини қондирди; иккинчидан, Навоийнинг обрўйи ва тadbиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим чегара вилоятларидан бўлган Каспий денгизи бўйидаги Астрободда ўз позициясини мустаҳкамламоқчи бўлди.

Навоий 1487 йилда Астрободда жўнади ва у ерда давлат идора ишларида бирмунча тартиб ўрнатди. Халқдан ортиқча солиқлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатди. Астрободнинг ободончилигига катта аҳамият берди, у ердаги олимлар, санъаткорлар ва шоирлар билан яқин алоқа боғлади, уларнинг ижодий ишларига ёрдам берди, раҳбарлик қилди.

Навоий Ҳусайн Бойқарони инсофли ва маърифатли ҳукмдорга айлантириш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. У Астрободдан Ҳусайн Бойқарога ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди. Масалан, у Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларидан бирида кўйидаги масалаларни кўйди:

“Қуллуқ арзадошт улким, бир неча сўз хотирага келиб, арз қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб намоз қилилса...

Яна улким, аласаббоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўлтуриб дадҳоҳ сўрулса, доғи дадҳоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуғ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андоғ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса...

Яна улким, аркони давлатға ҳар ишким буюрулур, агар бутмоғи бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун – андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул

кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечроқ бутар ишни тонгла ё индин, ё миодидин ўткармасалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни билан миодидин ўтказиб, арзга еткурмасалар, аларга андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар.

Яна улким, умид улурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий тавариқ бергай...

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додҳоқ ишидин фароғат ҳосил бўлса, маломат дафъи учун кутубхонага кирилса, кутубхона аҳли билан машғуллук қилилса...

Яна улкам, шаҳ эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилинса, андоқким, шаробхона, байтул-лутф, қиморхона – буларга ўхшаш номашруъ умрни куллий манъ қилинса. Мухтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.

... Дағи ҳар масжиднинг имомига тайин қилсаларким, ул маҳалла аҳлининг ўғул ва ушоғига мактаб тутуб ўқутсалар...”

Бироқ Навоийнинг истаклари амалга ошмади. Ҳусайн Бойқаро ҳам, унинг саройдаги реакцион амалдорлар ҳам Навоийнинг халқпарварлик ва маърифатпарварлик маслаҳатларига кулоқ солмадилар. Сарой доирасидаги маиший бузуқлик, бошбошдоқлик кучайиб бормоқда эди. Ҳатто Навоийни хоинлик билан захарлаб ўлдиришга ҳам ҳаракатлар бўлади. Лекин Навоий енгилмади, маънан мағлуб бўлмади, балки у ўз душманларини кўпчилик олдида шарманда қилди.

Навоий Астрободда ортиқ қолишни истамади, у туғилиб ўсган шаҳри Ҳиротни, ёр-дўстларини, қаламқаш биродарларини соғинди, Ҳиротдаги ва, айниқса, сарой доирасидаги кўп воқеалардан ташвишга тушди, сиқилди.

Навоий Ҳиротга қайтишни илтимос қилиб, Ҳусайн Бойқарога хатлар юборди, бироқ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг талабини оқибатсиз қолдиради. Навоий ўз ўрнига Амир Бадриддинни қолдириб, Ҳиротга қайтади ва Ҳусайн Бойқародан Ҳиротда қолдиришини илтимос қилди. Лекин иккинчи куниёқ Астрободга қайтиб кетиш ҳақида Ҳусайн Бойқародан буйруқ олди. Навоий яна бир неча ой Астрободда турди. Навоийга қарши душманлари томонидан уюштирилган суиқасд фош бўлиб қолгандан кейингина Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтиш

хақидаги талабини қабул қилди. Ҳиротга қайтиб келганидан кейин Навоий саройда бирор расмий мансабга эга бўлишни истамади. Лекин, шунга қарамай, у давлат идора ишларида қатнашди, кучайиб келаётган тож-тахт талашларини бартараф қилишга, ота-бола ва ака-укалар ўртасидаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилди. Навоий ва бошқа маърифатпарвар кишиларнинг зўр бериб уринишларига қарамай, шоҳ ва унинг ўғиллари ҳамда бек ва амалдорларнинг мансаб ва бойлик орттириш учун кураши тобора кучайиб, ҳарбий тўқнашувларга айланиб бормоқда ва темурийлар давлати ҳалокатга юз тутмоқда эди. Сарой ва унинг атрофидаги худбин амалдорлар халқни талон-тарож қилиб, давлат хазинасини ҳам, эл-юртнинг бойликларини ҳам совурдилар, майхўрлик ва киморбозликка берилдилар, дабдабали зиёфатлар бериб, исрофгарчиликка йўл қўйдилар. (Восифийнинг “Бадойиул-вақое” асарида ва бошқа манбаларда буларни тасвирловчи кўпгина фактлар келтирилган.)

Бироқ, шунга қарамай, Алишер Навоий кенг кўламда қизгин ижодий иш билан шуғулланди, ўз олдига қўйган ижодий режаларини амалга ошира бошлади. 1488-1501 йиллар орасида Навоий бир қанча бадиий ва илмий асарлар ёзди.

Навоий давлат идора ишлари, ободончилик, қурилиш ва бошқалар билан ўта банд бўлишга қарамай, ижодий режаларини бирин-кетин амалга ошира бориб, ниҳоятда бой ва буюк мерос қолдирди.

Навоий қизгин ижодий ишлар билан банд бўлган бир вақтда Ҳусайн Бойқаро хукмронлигининг таназули кучайиб, шоҳ ва унинг фарзандлари ҳамда амир-амалдорлар ўртасидаги тож-тахт учун кураш кескинлашиб, ишратпарасатлик авжига чиққан эди. Ҳусайн Бойқарога қарши гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда унинг ўғиллари исён кўтармоқда эдилар. Улуғ шоир ва мутафаккир буларнинг барчасидан қаттиқ алам чекади, афсус ва надомат қилади, тож-тахт талашларини ҳамон бартараф этишга интилади.

Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этди.

## **II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ФОЗИЛ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ ТАЛҚИНИ**

### **2.1. Алишер Навоийнинг жамият ва давлат бошқарувида маънавиятнинг ўрнига доир қарашлари**

Алишер Навоийнинг давлат ишлари ва уни бошқарув масалаларига қарашларининг туб моҳиятини, аҳамиятини яхши тушуниш учун ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий шароитни кўриб чиқиш зарур. Маълумки, улкан марказий давлат, империя яратган ва бу билан тарихда буюк роль ўйнаган Амир Темурнинг ворислари орасида ҳокимиятга даъвогарлар ўртасида дахшатли низолар алангаланиб, тўхтовсиз ўзаро урушлар авж олиб кетади. Халқ хўжалиги барбод бўлади, халқнинг пешона тери билан яратган бойликлари, меҳнатга қодир одамларнинг аксарияти ўзаро урушлар домига тортилади. Темур империяси емирилади, марказий идора системаси бузилади, майда-чуйда давлатлар майдонга келади. Буларнинг орасида ҳатто шундайлари бор эдики, уларнинг ўзлари ҳам майда бўлақларга бўлиниб кетган эдилар – бир давлатга тобе бўлган вилоятлардаги ҳокимлар баъзан ўзларини мустақил олиб борар эдилар, ўзлари шунчаки тобе бўлган давлатга қарши кўпинча исёнлар кўтариб турар эдилар.

Бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодиётига, халқнинг аҳволига жуда ёмон таъсир этар, ҳар ерда ўзининг фалокатли, қонли изларини қолдирар, халқнинг тинч яшашини паймол этар, мамлакатни, ижтимоий ҳаётни орқага тортар эди.

У вақтлардаги давлатларнинг, уларнинг бошларида турган ҳокимларнинг, подшоҳларнинг, ноибларнинг, садрларининг, муфти, қозиларнинг ва ҳоказо аксарияти билан, улар кўзлаган манфаатлари билан халқ ва халқ оммаси, унинг манфаатлари орасида жуда катта фарқ, қарама-қаршилик бор эди. Бу ҳокимлар ғоят реакцион, жоҳил бўлиб, давлатни ўзларининг шахсий манфаатларини, разил нафсларини таъмин этиш қуролига айлантирган эдилар.

Мана шу аҳволни бевосита гувоҳи бўлган Навоий ўз асарларида уларни акс эттириш баробарида, салбий ҳодисаларни бартараф этиш чораларини ҳам кўрсатишга уринди. Навоий жуда яхши билар эдики, керак вақтда ёмонларга,

тажоввузкорларга қарши шафқатсизлик билан жавоб бериш зарур. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида шу фикрни тасдиқловчи лавҳа бор.

Навоий Хисравнинг ҳужуми, Меҳинбону кўрғонини қамал қилгани, фалокат оловини ёққани ва Фарҳоднинг унга қарши курашиб, кўрсатган қаҳрамонлиги тўғрисида сўзлаб шуларни ёзади:

Бу<sup>16</sup> сўзлардин бўлуб ғолиб хижолат  
Тараддуд солди Хусравға маломат.

Бир улким, ҳар не айлаб эрди мақсуд,  
Саросар топти ёр олинда мардуд.

Бу ҳам озурда кўнглин этти мақтул,  
Рақиб ўлмоқ ҳабиб олинда мақбул.

Чу қилди подшаҳлик эътиборин,  
Ғазаб олди илиқдин ихтиёрин...

Анингдек ер юзин тутти сипоҳи,  
Ки тутқой машқ авроқин сиёҳи.

Қабаб кўрғонни дапқур-дапқур ул хайл  
Тушарға қилдилар тўшлуқ-тўши майл.<sup>17</sup>

Валек улёник Фарҳод эрди сокин,  
Черик келмак ёвуқ йўқ эрди мумкин.

Тийиб аъдо сипоҳин минг қаридин,  
Дема бир соридинким, ҳар соридин.

---

<sup>16</sup> Меҳинбонунинг Хисравга рад жавоби, Фарҳодни мақтагани.

<sup>17</sup> Навоий. Хамса, 271-бет.



Етиб тоши нечукким, раъд тоши,  
Учуб гар тегса шери шарза боши,

Тошиға минг қари ердин нишона,  
Уруб гар худ, эрур хашхош дона.

Бу андин турфароққим тегса ул тош,  
Бўлуб Албурз тоғи бўлса хашхош.

Чопиб хорани беандоза хаддин,  
Отар тошни йўнуб кўпрак ададдин<sup>18</sup>.

Шундай қилиб Фарҳод балога қарши, бахт учун курашувчи ва бу курашда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатувчи фаол паҳлавон бўлиб, душманга тамомила шафқатсиз эди. Демак, Навоийнинг давлатга, ҳокимларга, разолатга бўлган муносабати, уларни шафқатсиз танқид этиши маълум маънода пассив характерга эга эмас. Навоий қанчалик тинчлик севувчи, шафқатли, мулойим қалбга эга бўлмасин (Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ”ида Навоийнинг ҳаётидан шунга оид жуда кўп ҳикоялар келтирилади), шунга қарамасдан у адолатсизлик усул идорасини, разилларни йўқотишга ҳаракат қилади, одамларни шунга чақиради, озор берувчи, тузалмас разилларни шафқатсиз жазолаш кераклигини айтади.

Характерли нарса бу ишларини амалга оширишда, адолат ўрнатишда, поймол этилган ҳақиқий инсоний ҳуқуқларни барпо этишда Навоий тарбия, ташвиқот, насиҳатнинг ролига қанчалик ишонмасин, у яна айтадики, бу воситалар орқали мавжуд ёмонликни яхшилаш, золимни, фосиқни адолатли, шафқатли, яхши қилиш мумкин эмас, уларга қарши куч татбиқ этиш керак. Ҳатто, уларни жисмоний йўқотиш керак:

Бўлса илик эгрилик ичра самар,

---

<sup>18</sup> Навоий. Ҳамса, 272-бет.

Эл ани кесмакда туз этгай магар.

“Ёмонларга лутфу карам,— яхшиларга мужиби зарар ва аламдир”.

Йилонни киши тутса сар кўфта,

Балодин қилур ўз йўлин рўфта

Моддаким, бермаса марҳам кушод,

Ништар ўқ айлар анга дафъи фасод.

Яхши эса афв сиёсат чоғи,

Лек керак ишда фаросат доғи

Чунки,

Фосикдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама,

Зоти душман ва муҳолифни дўст

дема ва ўзингга бозий берма ва бозий ема.

Навоийнинг “Садди Искандарий” достони бош қаҳрамони шоҳ Искандар ҳаётнинг, адолат учун курашнинг шу зарур темир қонунига, қондасига қаттиқ риоя этишни, ундан ўрнак олишни уқтиради. Масалан, Навоий айтадики, Искандар,

Яна бўлди Доро билан ҳамнабард,

Ки бадхоҳдин кўкка тегурди гард.<sup>19</sup>

Яна ўша “Садди-Искандарий”да Навоий айтадики,

Керак шоҳ адолат шиор айлағай,

Ки зулм аҳлини хоксор айлағай.<sup>20</sup>

Бу қоидага, бу фикрга риоя қилишни Навоий ўзининг шахсий, сиёсий тажрибаларида, фаолиятида ҳам амалга оширгандирки, бу ҳақда тарихий манбалар бизга хабар берадилар.

Навоий давлат билан халқ орасида тамомила бошқача муносабат ўрнатмоқчи бўлади. Бу масала ҳақида сўзлашдан олдин, Навоийча, давлат ииманинг натижаси

---

<sup>19</sup> Навоий. Хамса, 668-бет.

<sup>20</sup> Ўша асар, 840-бет.

ўлароқ майдонга келиб чиққанлиги, давлатнинг бўлишлиги зарурияти нима билан алоқадор эканлиги, шартланганлиги тўғрисида тўхтамоқ керак.

Навоий айтадики, инсонлар пайдо бўлдилар, улар турли атворга эга бўлдилар, уларнинг тушунчалари ҳар хил бўлиб ҳаёт масалаларига, манфаатига, ҳақиқатга (Навоийча) ҳар хил кўз билан қарай бошладилар, бирлар оч кўз, тамаъгар, текинхўр, ўзгаларнинг ҳисобига яшашга интилувчи, ўғри ва ҳоказо бўлдилар, бошқалари ҳақиқатга тўғри қарадилар, инсоний виждонга эга бўлдилар, унинг қоидаларига, тартибларига риоя қиладиган бўлдилар ва ҳоказо - икки хиллик, зиддият ривожланди, кескинлашди.

Шундай қилиб, инсонлар орасида низо, душманлик майдонга келди, тартибсизлик ўрин олди, “жаҳон ичра ғавғо” тушди. Мана шуларнинг натижаси ўлароқ давлат, шохлар ва ҳоказо идора этувчилар майдонга келдики, уларнинг вазифаси мана шу ижтимоий тартибсизликларни тартибга солиш эди<sup>21</sup>. Бу ҳолат сўнгра кучаяди, жамиятдаги инсонлар орасидаги бу фожиа кейин чуқурлашади.

Давлатнинг, ҳокимиятнинг зарурияти, бор бўлишлиги, кераклиги Навоийча, мана шу ҳолат билан ҳам изоҳ этилади. Шу ерда яна бир муҳим масалани ёритиб ўтмоқ лозим. Маълумки, узоқ вақтлар мобайнида халқ ижодида идеал шаҳар, идеал жамият, жамоа ҳақидаги, яъни бир-бирига зид бўлган бойликсиз, қашшоқликсиз ва давлатсиз жамият, жамоа ҳақидаги орзу, хаёл ёзма адабиётда ўз ифодасини, айниқса, Низомий “Искандарнома”сида ва Абдурахмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”сида топган.

Ўзи самимий халқпарвар бўлган, халқ ижоди дурдоналаридан ҳамиша баҳраманд бўлган, Низомий ва Жомийни устоз деб ҳисоблаган Навоийнинг бу ғоят муҳим масалага муносабати қандай бўлиши мумкин эди ва қандай бўлди?

Навоий ўзининг “Садди-Искандарий”сида Низомийни ҳам ва унинг “Искандарнома”сини ҳам ғоят юксак даражада мадҳ этади. “Искандарнома”нинг энг асосий идея, сюжет линиясини, бир қанча янгиликлар қўшиб ривожлантиради,

---

<sup>21</sup> Қаранг: Навоий. “Садди Искандарий”, IX-боб, “Фарҳод ва Ширин”, IX-боб. Бу ерда биз Форобийнинг ўз давридаги ижтимоий воқеликни акс эттириб, инсонлар бир-бирларига душмандирлар, деган таълимотининг, унинг давлат ҳақидаги фикрларининг маълум даражадаги Навоийга таъсири бўлган эди десак, хато қилмаган бўламиз.

ундаги барча олижаноб, илғор фикрларни қабул қилади. Шу билан бирга Навоий “Искандарнома”даги якун тарзида берилган энг асосий ва муҳим жойни тўсатдан ташлаб ўтиб кетади. Агар Навоий бу жойда ифода қилинган фикр билан рози бўлмаган, шунинг учун ташлаб кетган десак, ундай тақдирда Низомийнинг “Хафт пайкар” ва “Хусрав ва Ширин” асарларидан нуқсонлар топиб, уларнинг устидан индамасдан ўтиб кетмасдан танқид этганидек, нега буни ҳам танқид этмади? Зеро, бу шундай мустасно жиддий ва беқиёс катта марказий масаладирки, Навоий у билан рози бўлмаганда эди, уни танқид этиши турган гап эди. Агар хавфсизлик нуқтаи назаридан танқид этмади, десак бу ҳам тамомила нотўғри бўлади. Чунки, Навоийнинг яшаб турган муҳити шундай эдики, Навоий агар буни танқид қилса, ҳеч қандай хавфга дучор бўлмас эди. Айтиш мумкинки, Навоий тактик нуқтаи назардан унга ўз асарида очиқ ўрин бермаган бўлса керак. Шуниси аниқки, шоир ундан воз кечмаган ва Навоийдек буюк гуманист, халқпарвар, ватанпарвар шахснинг воз кечиши мумкин ҳам эмас эди.

Бунга ўтишдан олдин Навоий тарафидан ўша ташланиб, индалмасдан кетилган жойни келтириб, у билан танишайлик. У шундан иборатдир:

Деярли бутун ўлкаларни олган “Искандарнома”даги Искандар бир қанча кузатувчилар билан дунё саёҳатига тушади ва ниҳоят шимол тараф йўл олади. У ерда Искандар бир манзарага дуч келади. У манзара Искандарни жуда ҳайратга солади: ҳаммаёқ гўзал боғлар билаи безалган, далалар гуллардан, чечаклардан кийим кийиб ясанган келинчакдек; ҳар тараф ақлга сиғмайдиган даражада гўзал маликанинг кулган ва табассумли чиройидек, чехрасидек ёқимли, дарахтлар турли-туман нози неъматлар, беҳад ширин мевалар билан тўла; далаларда моллар ҳеч қандай бошқарувчисиз, боқувчисиз ўз ҳолларича ўтлаб юрадилар... Бу манзарадан чуқур таажжубда бўлиб турган Искандар бу ҳоллар билан яқиндан танишмоқчи, бу ерлар қайси ва қандай ҳокимга тобе эканлигини билмоқчи бўлади ва унинг кўзига бир шаҳар кўринади. Ўзининг саволларига жавоб олиш мақсадида ўз ёнидаги кузатувчи олимлар билан ўша шаҳарга йўлланади. Шаҳарга кирганда Искандар қаршисида яна бир манзара гавдаланади: шаҳар жаннатга ўхшайди, ҳар хил

нарсалар, нози неъматлар билан тўла дўконлар ҳеч қандай кўриқчисиз, қулфсиз, очик, ҳар тараф обод. Искандарни шаҳарда қарши оладилар ва яна ҳам гўзал бир қасрга олиб борадилар. У ерда, Искандарнинг умрида ҳеч кўрмаган нози неъматлар билан безалган дастурхон қаршисида “уй эгалари” билан “меҳмонлар” орасида суҳбат бошланади. Хушвақт “уй эгалари” виқор, мулойимлик ва фарах билан Искандарнинг сўроқларига шундай жавоб берадилар:

“Бизда ҳеч кимнинг моли бошқасиникидан ортиқ эмасдир. Биз ҳаммани ўзимизнинг оға-инимиз деб биламиз. Ҳеч кимнинг йиғлаши бизни қулдирмайди. Ўғрилар бўлмаганлиги учун, на шаҳарда соқчимиз, на қишлоқда кўриқчимиз бор. Биз бошқалардан бир нарса ўғирламаганимиз учун ҳеч ким бизга хиёнат қўлини узата олмас. Уйларимизнинг эшигида қулф йўқдир. Қўйларимизга ва сигирларимизга қузатувчи керак эмасдир. Бизнинг молларимиз йиртқичлардан ва шердан кўрқмайдилар. Йиртқичлар бизнинг подаларимизга оғиз чўзса, ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳалок бўладилар. Агар бир одам бизнинг даламиздан бир сумбулни узса, унинг юрагига ғофилдан ўқ санчилади. Экканимиз ҳар бир донадан 700 дона махсул оламыз... биз чақимчиликни билмаймыз... бир одамнинг иши қийинлашса, ҳаммамиз унга ёрдам ва маслаҳатлар берамиз. Ҳеч кимнинг ёмонлигига рози бўлмаймыз, фитнани ёқтирмаймыз, қон тўкмаймыз. Бир одамга бахтсизлик юз берса, ҳаммамиз хафа бўламыз. Бир-биримизнинг севинчимизга ҳам шерик бўламыз. Бизни олтин ва қумуш билан алдаб бўлмайди. Чунки, улар биз учун қийматсиздир. Ваҳший ҳайвонлар биздан қочмайдилар, чунки, биз уларни ўлдирмаймыз. Биз ҳам улардан кўрқмаймыз, чунки улар бизни дўст ҳисоблайдилар. Оҳулар, жайронлар бизнинг эшиксиз уйларимизга зўрға кирадилар (киришга орзумандлар). Лекин биз уларни эҳтиёжимизни ўтай оладиган қадар овлаймыз, қолганларини озод чўлга, тоғга қўйиб юборамиз. Биз меҳнатда исрофгарчиликни билмаймыз, оч ҳам қолмаймыз. Шунинг учун иссиқлик ва совуқлик бизга қор этмайди. Касалланмаймыз. Бизнинг ўлкада инсонлар ёш ўлмайдилар, улар кўп яшаб қарийдилар. Қариларнинг ўлиmidан афсусланмаймыз, чунки бу ўлимнинг иложи йўқдир. Бизда на подшоҳ, на раият бор. Бизда на ер даъвоси, на қуроли қайғуси бор.

Биз билан бирга яшамак истаганларнинг бизнинг каби соф туйғуси бўлиши керак. Тоза хисси бўлмаганларни орамиздан узоқлаштирамиз...»<sup>22</sup>.

Шундан кейин Искандар асл ҳақиқатни энди топдим, асл ҳақиқатнинг тантанасини энди кўрдим, дейди ва кўпдан бери орзу этган, ахтарган бахт, саодат, адолат ўлкасини энди кўрганлигига қаноат ҳосил этади; таассуф, севинч унинг қалбини асир этади. У ўлкадаги бўлган ҳамма ҳақиқатлар билан танишиб чиқади. Ғойибдан Искандарга орқага тезроқ қайтиш ҳақида келган нидони эшитиб, у Румга кетишга йўлланади ва кўзлаган маррага ета олмасдан, йўлда касаллик унинг қалбини уришдан тўхтатади.

Бу фикр Навоийдагидек, Низомийнинг ниҳоят келиб етган ва унинг қарашларидан зарурий, мантикий келиб чиқадиган натижа эди. Аслида Низомий билан Навоий ҳамфикрдирлар. Тафовут шундаки, Низомий Навоийга нисбатан бошқача шароитда, мавқеда бўлиб, бу ғоят жиддий масалани шундай формада очик ёзиб кўрсатишга журъат эта олган, Навоий эса, юқорида айтганимиздек, асосан, ўзининг тамомила бошқача мавқеда ва шароитда бўлганлигига кўра уни Низомийдагидек очик айта олмаган эди. Машҳур шарқшунос, Профессор Бертельс ҳам ўзининг шундай фикрни қайд этган. Бунга яна баъзи далиллар келтирайлик. Навоий “Садди-Искандарий”да гарчи бу жойни формал тушириб қолдирган бўлсада, лекин уни асарнинг моҳиятига сингдириб юборади. Бу асарни диққат билан ўқилса, у ерда Навоийнинг ўзига хос бўлган санъат билан сўзларга, воқеаларга яширган сирларини очишга уриниб кўрилса, Искандарнинг мақсадларини, унинг ҳаракатларини яхши кузатиб борилса, шуни англаш мумкинки, Навоий ўзининг онгида юқоридаги фикрга, идеалга, хулосага самимий ўрин беради, уни орзу қилади ва Искандардек подшоҳни, унинг яратган дунёвий марказий давлатини ўша идеалга етиш учун йўл, восита деб билади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий “Иқболнома”даги юқорида келтирилган жойни тамомила тушириб қолдирмаган. Аксинча, уни баъзан

---

<sup>22</sup> Низомий Ганжавий. “Иқболнома”. “Искандарнинг шимол сафари” бобида.

кисқа ва очикроқ ифодалаб, баъзан эса унга имо қилиб ўтади. Мана, масалан, — Искандар, эгаллаб олган ўлкаларидан бирида ўз одати бўйича зулмкор ҳокимиятни йўқотади, у ерда адолат ўрнатмоқчи бўлади, у ернинг идорасини, ўша ер халқининг тақдирини ўша халқнинг ўзига топширмоқчи бўлади. Шу мақсадда Искандар ўша ўлканинг халқи билан маслаҳат-лашади, ўша мамлакатни идора этиш учун бир подшоҳни шу халқнинг ўз ичидан кўрсатиб беришни халқдан илтимос этади. Халқ Искандарнинг бу олижаноблигига, адолатлилигига ташаккур изҳор этади ва масалан бир ерда айтадики, мамлакатда шундай олижаноб вазифани бажара оладиган биргина одам бордир. Лекин у одам ўзининг энг олижаноб инсоний фикрларини, идеалларини амалга ошира олмасдан, “ҳамоно тирикларда кўрмай вафо”, “бўлуб халқ ғавғосидин кулфати”,

Боши тож таркин қилиб ихтиёр,

Бўлуб тарк тожи била бахтиёр<sup>23</sup>,

ва бошқа чиқиш, нажот йўлини топа олмагандан кейин, фақирликни эҳтиёр этгандир. Искандар бу сўзларни эшитгач, у одамни топиб келтиришни айтади. Бир оздан кейин, боши, оёғи яланг ва ёқаси чок-чок, бечора ҳолда ўша одам икки кўлида икки суяк ушлаганича Искандарнинг олдида ҳозир бўлади. Искандар ундан бу сўнгаларнинг маъноси нимадан иборат эканлигини айтиб беришини илтимос этади. Фақир бунга жавобан айтадики, гўрлардан ўтиб келаётганимда бу сўнгаларга кўп назар солдим, лекин улардан қайси бириси шохники ва қайси бириси гадоники эканлигини била олмадим:

Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,

Тирикликда невчун қилурлар низоъ...<sup>24</sup>

Искандар фақирга қараб фақирнинг бу сўзлари ўзига (Искандарга) хуш келганлигини ва унга ўзининг миннатдорлигини билдиради ва

Деди: Ки эй замон овари боркаш...

---

<sup>23</sup> Навоий. Хамса, 657-бет.

<sup>24</sup> Навоий. Хамса, 657-бет.

Сени топтим асру бийик нукталиқ,  
Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик.  
Сени кишварингда қилай аржуманд,  
Бериб шоҳлиғ, поянг айлай баланд.<sup>25</sup>

Бунга жавобан фақир ўзига ҳиммат, инсонлик ёру ҳамроҳ эканлигини, ҳиммати, ғоялари ғоят олий ва катта эканлигини айтади, уларни тамом амалга оширишнинг имкониятидан хориж эканлигини чуқур табассум билан изҳор этади ва ўзининг шу идеалларини оз сўзлар билан қисқа қилиб қуйидагича айтиб беради:

...Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:

Бири андин ўлди ҳаёти абад,  
Ки йўқтур анинг интиҳосиға ҳад;

Яна бир: йигитликки топмай ҳалал,  
Қарилик била бўлмағай ул бадал.

Яна бир: ғинойи муаббаддурур,  
Ки олинда ифлосға раддурур,

Яна: шодлиғким йўқ онинг ғами,  
Адам бўлғой ул сурнинг мотами”<sup>26</sup>.

Бундан Искандар жуда мутаассир бўлади. Фақирнинг бу сўзлари Искандарнинг ҳаяжонлантиради, ҳайратлантиради. Искандар бу сўзлар эгасига қойил қолади ва уялганидан бошини пастга солиб, изтироб чекиб фақирга айтади:

Ки: “эй фаррух чекиб ойини фархунда рой.

Бу ўқдангдин ул бўлди мушкилкушой

Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлик,

---

<sup>25</sup> Ўша асар. 657-бет.

<sup>26</sup> Навоий. Хамса 657-бет.



Санга факр берди, мага шоҳлик.

Агарчи мени айлади аржуманд,  
Сенга берди ҳимматни мендин баланд”...<sup>27</sup>

Шу сўзлардан кейин бу боб куйидаги сатрлар билан тугайди:  
Гадойики бўлғай буйик химмати:  
Анга паст эрур шоғлиғ рифъати.

Чу химмат баланд ўлди эрса фақир,  
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир...<sup>28</sup>

Энди “Садди-Искандарий” достонидаги “Юқорироқ мастур бўлғон ва илгарироқ мазкур бўлғон дастур...” бобини кўриб ўтайлик. Бунда Навоий адолатли шоҳнинг қандай бўлишлиги, қандай сифатларга, мақсадларга эга бўлишлиги, халққа нисбатан қандай муносабатда бўлишлиги ва идеал шоҳнинг адолат иринциплари асосига қурилган усул идоранинг фаолият натижасида мамлакатда, халқ ҳаётида қандай ҳолат яралиши ҳақида сўзлайди. Навоийнинг бу айтганларидан шундай хулоса келиб чиқадики, уларнинг амалга оширилишлари, уларнинг тантанаси - инсонлар орасида, халқ билан давлат орасида гармония яратилиши, фалокатлар туғдирувчи низоларнинг йўқолиши (чунки уларга ўрин қолмайди) ва ҳоказо демакдир. Бунинг натижасида, сарафроз шоҳ, Навоийнинг ўз термини билан айтганда, “халқдин бениёз” бўлади, халқ ҳам ўз навбатида шоҳдин бениёз бўлади; инсонлар хушбахтликда, осудаликда яшай берадилар.

Бундай муҳит, бундай ҳолат ҳоким бўлган жамият шунинг учун ҳам кучли ва маҳкамланиб борадики, у ердаги қонунлар, тартиблар, вазият ўша ердаги инсонларнинг, ўша жамият аъзоларининг манфаатларига тўғри бўлиб бу одатлар бора-бора ўша инсонларнинг табиатига айланадилар.

---

<sup>27</sup> Ўша жойда.

<sup>28</sup> Ўша асар, 658-бет.

Шундай хаёлий жамият ҳақидага орзу ва идеалнинг излари Навоийнинг бошқа асарларида ҳам учраб туради. Масалан:

Шундай олам истагимки, аҳли олам бўлмасин,—  
Ундаю ҳам олам аҳли зулмидан ғам бўлмасин.

Унда на кундузда мазлумлар кўзида сели катл,  
Ҳеч ғарибнинг киймиши тунларда мотам бўлмасин.

На фалак бедодидин уқда кўнгилда юз алам,  
Дил жафо тиғила чок, муҳтожи маҳрам бўлмасин.

Ҳам парилар тўдасики, одамийликдан йирок,  
Ҳамда девсифат, бироқ суратда одам бўлмасин.

Бунга етишмоқ мушкул эркан, йўқса юр майхонага,  
Йўқ синиқ унда сополки, жоми ул жам бўлмасин.

Лола ранг май қуй сен ул юксак, мусаффо жомга,  
Йўқ ҳисоб то тўнтарилган унда торам бўлмасин.

Томчи қолдирмай ўшал жомини сипқар тамом,  
Худди дўзах қаъридек остида бир нам бўлмасин.

Токи дунёнинг ёмон-яхшисидин дил тинчибон,  
Сарҳисоби ўйламоқ бирлан зиёд кам бўлмасин.

Фониё, дунё иши ҳақида кўп сурма хаёл  
Ҳал бўлур ҳар бир муаммо, қанча мубҳам бўлмасин.<sup>29</sup>

---

<sup>29</sup> Шоир Васфий таржимаси. (девони “Фоний”дан).

Алишер Навоий бундай хаёлий, жамият идеяси билан юракдан шод эди, у бу ширин хаёлдан ҳузурланар эди. Лекин шу билан бирликда бу орзу, хаёл унинг калбини тирнар, унга азоб берар эди. Бу ўша вақтлардаги ҳоким шароитларда қонуний нарса эди. Лекин шунга қарамасдан Навоий келажакда бу “муаммо”нинг ҳал бўлишига,— орзунинг ушалишига ва идеалнинг амалга ошишига ишонар эди.

Навоий марказий давлат тарафдори эди. У мамлакатда марказий идора усули яратилишини ва бу марказий давлатга қуйи органларнинг сўзсиз тобе бўлишлари принципини ўртага ташлади ва бу билан у майда-чуйда давлатларнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган манфий натижаларни йўқотмоқчи бўлди. Навоий бевосита ўзи кўрдик, етарли кучли марказий давлатнинг йўқлиги, (Мамлакатнинг бўлақларга бўлиниб кетиши, уларнинг ораларида бўлиб турган тўхтовсиз, урушлар) халққа, мамлакатга, унинг иқтисодиётига, осудалигига жуда ёмон таъсир этаётир, халқнинг, мамлакатнинг бошига бало тошларини ёғдираётир. Навоий ўйладики, агар кучли марказий давлат яратилса, майда-чуйда давлатлар шу билан йўқотилса, бундай фожиага чек қўйиш мумкин. Навоий ўзининг адолат, халқ манфаатини кўзлаш асосига қурилган идеал марказий монархия, давлат системасини яратиш фикрини ўртага сурди.

Навоий шунинг учун ва Ҳусайн Байқарони ўша вақтдаги мавжуд ҳокимларга нисбатан прогрессив подшоҳ деб қараганлиги учун уни мамлакатни кенгайтириб, исёнкор ҳокимларни енгиб, йўқотиб, йирик давлат яратиб, ўша ерлардаги ёмон вазиятларни, аянч ҳолатларни тузатишга чақиради, вилоятларни бирлаштиришга, аҳолиларни марказий монархия атрофига тортишга, бирлаштиришга, халқ манфаатини кўзлайдиган шундай марказий давлатни мустаҳкамлашга ундайди (масалан, “Лайли ва Мажнун” VII боб, “Сабъаи-Сайёр”нинг “Салтанат баҳрининг дурри ноби...” боби). Навоий Ҳусайн Бойқарога қаратиб ҳаттоки, шуларни ёзади:

Яъни ул навъ фатҳ қилсанг фош,

Чарх бўлғой бошингга гавҳарпош...<sup>30</sup>

---

<sup>30</sup> Навоий. Хамса, 479-бет.

Ёрабки, бер улча коми анинг,  
Олам юзин эт тамоми анинг.

Бўлмоққа жаҳонда адлу доди,  
Мундин доғи кўп эса муроди,

Андоқки тилар муяссар айла  
Оламни анга мусаххар айла<sup>31</sup>.

Навоий томонидан Ҳусайн Бойқаро бошида турган давлатни сақлаш, уни мустаҳкамлаш, кучайтириш учун қилинган ишлар, уни парчалаш учун бўлган интилишларга, исёнларга қарши қилинган ҳаракатлар мана шу билан ҳам изоҳланади. Масалан, Навоийнинг Бадиуззамон исёнларига бўлган муносабати унинг мана шундай ҳаракатларидан биридир.

Навоий ўзининг “Хамса”сида Бадиуззамонни, унинг бундай ҳаракатларини зимдан танқид этади, унга насихатлар беради. Навоий уни ва унга ўхшаганларни қоралайди. Фикримиз исботи учун яна бир мисол:

1469 йил Ёдгор Муҳаммад Астрободда Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятига қарши исён кўтаради, мамлакатда баъзилар Ҳусайнга хиёнат қиладилар, унга қарши бош кўтарадилар. Улар Ёдгор Муҳаммадга ёрдам берадилар. Давлат катта таҳлика остида қолади, мамлакатнинг яна парчаланиш хавфи тушиб қолади. Навоий Ҳусайн билан бирликда ўзининг бутун кучини, ақлини, ҳарбий тактик салоҳиятини ишга солиб бу исёнларни бостиришда жуда яқиндан шахсан иштирок этади, ғоят катта роль ўйнайди.

Ҳусайн Бойқаро ва Навоий мана шундай ишлар билан машғул экан, уларнинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро саройидаги баъзи катта амалдорлар, тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар беришича, халққа катта оғир солиқлар соладилар. Бунинг натажасида халқ кўзғолон кўтаради ва у кескин тусга киради. Бу ҳол юқорида айтилган Ёдгор Муҳаммад воқеаси билан

---

<sup>31</sup> Ўша асар, 353-бет.

боғлиқ бўлган қалтис вазиятни чуқурлаштиради. Навоий бу халқ кўзғолонини эшитиши биланоқ Хиротга қайтади ва халқнинг талабларини қондиради, кўзғолон сабабчиларини (амалдорлар) жазолайди. Шу билан бу сафар ҳам тинчлик ўрнатади.

Навоий бундай ишларни бажаришда биринчи навбатда тинчлик йўлини, тинчлик йўли билан масалани хал этишни кўзда тутаяди, лекин шу билан бирликда, у агар бу йўл билан бир натижа чиқмаса, ҳеч қачон ҳужум қилиб келаятган фалокатни қўл қовуштириб кутиб олиш фикрида бўлмайди. Аксинча, бундай ҳолатларда у ҳамшиша бутун жони жаҳди билан бош кўтарган балога қарши актив курашиш заруриятини таъкидлайди. Бунга унинг ўз фаолиятидаги исёнкор Ёдгор Муҳаммадни қўлга тушириши ва енгизиши яққол мисол бўла олади.

Навоий фикрича, идеал марказий давлат ва унинг бошида турганлар қандай бўлиши, қандай мақсадни кўзлашлари керак, ҳокимият ҳамда ҳокимлар билан халқ орасида қандай муносабат бўлиши кераклиги ғоят муҳим масаладир.

Бу саволларга Алишер Навоийнинг Фарҳоди, хусусан Искандари жуда яхши жавоб бўла олдилар.

Навоий, давлат бошида турган одам, подшоҳ халқ, мамлакат фойдаси учун, уларни тинчлик билан таъмин этиш учун марказий давлатнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини билиши ва шунга риоя қилиши керак, мамлакатнинг, давлатнинг мустақил бўлақларга бўлиниб, парчаланиб кетишига ва шундай бузғунчиликка бошловчи кишиларга мутлақо йўл бермаслиги лозим.

Навоийнинг идеал подшоҳи ҳақиқий инсоний сифатларни, гуманистик фазилатларни ўзида мужассам этдирган шахсдир. У инсонларни бахтли қиладиган ҳақиқий фанлар (математика, ҳикмат, тарих, табиёт ва бошқа шунга ўхшаш) билан қуролланган, жамиятнинг сир-асрорини, яхши-ёмонларини билади, уларнинг қайсиси инсонларга фойдали, қайсиси зарарли эканлигини тушунади ва шу асосда фаолиятда бўлади. Навоийнинг марказий монархияга қарашида жуда характерли момент шуки, монарх ижтимоий ҳаётнинг тизгинини ёлғиз ўз қўлида сақлаган бўлмасдан, яъни мутлақ монарх бўлмасдан, унинг ҳуқуқи муайян даражада

чекланган бўлиши керак, у ўзининг атрофига катта-катта олимларни, яхши, "ақлли, соф виждонли, тадбирли, халқпарвар маслаҳатчиларни, ўзининг илмини халқнинг бахти хизматига қўйган нуруний ақл эгаларини тўплаши керак. Подшоҳ шуларнинг маслаҳатлари билан ишлаши керак, ўз тадбирларини, чораларини, сиёсий фаолиятларини уларнинг ўтқир ақли, идроки, инсофу виждони ўлчови билан ҳам ўлчаши ва шунга қараб иш қилиши шарт. Подшоҳ буларни ўзининг яқин одамлари, ёрдамчилари деб ҳисоблаб, улар билан бирга иш кўриши керак. Шундай қилиб, ҳақиқий фанлар, олимлар шоҳга йўл кўрсатувчи вазифасини ҳам ўтайдилар ва шоҳ уларга ўз қўлидаги бир машъал сифатида қараши лозим.

Бу ҳақда Навоийнинг айтганлари орасида унинг кенгашга (машварат) берган жуда катта эътибори ҳам характерлидир. Навоий дейдики, Искандарнинг энг яхши, ақлли сифатларидан бириси шу эдики, у ҳамиша бошқалар билан маслаҳат қилар эди ва уларнинг айтганларидан яхшиларини, фойдалиларини топиб олиб, ўшалар асосида иш қилар эди, ўз атрофидаги олимлар билан, ақлли, тадбирли одамлар билан бирликда амалиётда бўлар эди. Навоий бу ҳақда “Садди-Искандарий”да шаҳзода Музаффар Ҳусайнга насиҳат қилиб шундай деди:

Хирадманким, соҳиби рой эрур,  
Хирад нуридин оламорой эрур.

Анга мушкул иш тушса бир бобдин,  
Тилар машварат хайли аҳбобдин.

Аларнинг агар ройи сойиб эса,  
Ва гар фикрда юз маойиб эса...

Вале машваратда адад касрати,  
Берур бир натижаки эл фикрати.

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,

Ҳадисин икки кимса бирдек демас,

Неча кимса айлаб хаёлиға куч,

Агар топса сўз хар бири икки-уч.

Бу дурлар аро ақли жавҳаршунос,

Иши риштаси бирла айлар қиёс.

Бирисинки сойирға фойиқ топар,

Иши афсари узра лойиқ топар<sup>32</sup>.

Навоий фикрича, подшоҳ халқнинг ҳам одил отаси, ҳам содиқ ўғлидир. У, халқини, унинг молини, мулкини, бахтини, осудалигини дахлсиз нарса деб сақлайди, уларни бўрилардан кўрийдиган посбон бўлади. Подшоҳ мамлакатнинг, халқ боғларининг ғамхўр боғбонидир. У, ўзининг бутун ҳаракатларида илму адолат принципларига асосланади, шуларнинг тантанасини таъмин этиш учун интилади, у ўзининг бутун ҳаракатларида биринчи навбатда халқнинг манфаатларини кўзлашликни назарда тутди.

Подшоҳ давлатни, ҳокимиятни ўзиинг шахсий нафсларини, хирсларини таъмин этиш воситаси деб тушунмайди. Давлатга, ҳокимиятга у, халқ муассасаси, мамлакат коргоҳи, ўзига эса, уни идора этиш учун шу халқ тарафидан қўйилган раҳбар, бошқарувчи сифатида қарайди. Демак, подшоҳ давлатга, ҳокимиятга ўзининг хусусий мулки деб қарамасдан, уни мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатиш, сақлаш, халқнинг истакларини, орзуларини амалга ошириш қуроли деб тушунади.

Подшоҳ, унинг раҳбарлигидаги давлат мамлакатда адолат ўрнатишга, халқ орасида маорифни ёйишга, илм, маданият нурлари билан мамлакатни, халқ ҳаётини ёритишга интилади, зулмат ва жаҳолатни йўқотиш йўлида уринади.

Навоий подшоҳларга, умуман ҳокимларга шундай йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беради, уларга шундай дастурини тузиб беради:

---

<sup>32</sup> Навоий. Хамса, 842-бет.

Халойикқа кўрма, қилиб бенаво  
Ўзинга раво кўрмаганни раво!..

Сипахни ҳам асру нажанд айлама,  
Фалокат аро мустаманд айлама...

Сипах хотирин лутф ила шод қил,  
Раиятни адл айлаб обод қил.

Бу иккига сендин қачон етса ком,  
Топар шаҳлиғинг равнақу интизом...

Раиятни адлингдин осуда тут,  
Фароғат миҳодида уйқуда тут.

Раиятқа бўлса парокандалиқ,  
Топар салтанат нахли баркандалиқ.

Қози дафъиға солибон элга ранж,  
Ғалатдур тамаъ айламоқ молу ганж...

Агар бор эса поклик нияти,  
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Керак оғзи поку сўзи доғи пок,  
Яна кўнгли поку, кўзи доғи пок.

Ўзи чун шиор айлади поклик,  
Бўлур дафъ нопоку бебоклик.



Қаю шахки йўқ адл ила дод анга,  
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.

Чу шах зулм сори узотти илик,  
Очилди улуғ зулм уйига эшик.

Агар шахга иш лутфу гар кин эрур,  
Элига ҳамул шева ойин эрур...

Чу ёшларга боғланса мактаб йўли,  
Бўлур гум улуғларга мазхаб йўли...

Берур лукмаи англаким, ул оч эрур,  
Олур кўнглин онингки муҳтож эрур<sup>33</sup>.

Навоий подшоҳ билан халқ орасида мана шундай бирликнинг бўлишини орзу этди. Уларнинг орасида мана шундай ҳамдамликни, муносабатни истади. Навоий подшоҳнинг яхши ёки ёмонлигини кўп жиҳатдан халқ қўли билан, халқ кўзи билан ўлчайди, шоҳнинг яхши ё ёмонлигини унинг халққа, халқнинг манфаатларига муносабатига кўра белгилайди.

Навоий мамлакатнинг, жамиятнинг яхшиланишида, ҳокимларнинг ақлли, инсофли, тадбирли, одил бўлишида, мамлакатнинг гуллашида, халқнинг хушбахт бўлишида олим ҳамда илмларнинг ролини, аҳамиятини жуда юксакликка кўтаради ва айтадики, агар ҳокимлар ҳақиқий ҳаётий фанлар билан шуғуллансалар, куроллансалар яхшини ёмондан ажрата оладилар, зарарлиларни билиб уларни йўқотадилар, уларнинг ўрнига халқ учун, мамлакат учун, давлат учун фойдалиларни ўрнатадилар, ёмонга йўл қўймайдилар, яхшини ҳурматлайдилар.

---

<sup>33</sup> Навоий. Хамса, 839-841-бетлар.

Масалан, - дейди Навоий, - подшоҳ тарих фанини ўрганса ва унинг кўзгусидан ўтган вақтларга қараса, қайси мамлакатлар қайси подшоҳнинг қандай ҳаракатидан, қандай тадбирларидан обод бўлди ва халқ шод бўлди-ю, давлат мустаҳкамланди-ю, қайсилари, аксинча, нималар натижасида, қайси подшоҳнинг қандай тадбирлари, ҳаракатлари натижасида барбод ва унинг халқи бахтсиз бўлди, давлати тарқалди, мамлакат парчаланди, - шуларни яхши англаб олади, кечмишнинг аччиқ тажрибаларидан ўрнак олиб, фалокатларнинг олдини ола билади.

Навоий шундай ёзади:

Вагар тарих сари айлағунг майл,  
Муни билгачки не иш қилди ҳар хайл.

Салотинки бўлдилар жаҳонгир,  
Не янглиғ қилдилар ҳар ишда тадбир.

Қаю зулм айлади, қай бир адолат,  
Не ишга айлади ҳар бир далолат.

Не ишдан мамлакат обод бўлди,  
Қаю ишдин улус барбод бўлди.

Не иш ҳар шоҳнинг бўлди сифоти,  
Ки қолди олам ичра яхши оти.<sup>34</sup>

Қисқа қилиб айтганда, Навоий фикрича, илм, бир томондан, шоҳлар қўлида шундай бир қуёшки, унинг ёрдами билан шоҳлар ҳар томонни ёритадилар, обод қиладилар ва иккинчи томондан, ўзларининг номларини келажакда адабий қиладилар.

---

<sup>34</sup> Навоий. Хамса, 332-бет.

Шаҳиким, илм нури топти зоти,  
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.<sup>35</sup>

Мана нима учун Навоий қатъият билан ҳокимларни илм ўрганишга, фан билан қуролланишга чақиради. Навоийнинг бошқа илмлар билан бир қаторда тарих илмига, унинг равнақиға, уни ҳам ҳокимлар тарафидан эгаллашга алоҳида аҳамият бериши, Мирхонд ва Хондамирларнинг илмий ишларини уюштириши, уларга тарих ёздириши, уларга ғамхўрлиги ҳам шу билан изоҳланади. Навоийнинг гўё тарихий Македонияли Искандарнинг саргузаштларини ёзганлиги ҳодисаси ҳам шундай. Навоийнинг “Садди Искандарий”сида Искандарнинг бу қадар катта муваффақият қозониб, деярли бутун дунёни забт этишини таъминлаган омиллардан бири унинг илм билан яхши қуролланганлиги, катта олим бўлганлиги, улкан олимларнинг маслаҳатлари билан иш қилганлиги эканлигини зўр бериб кўрсатиши, таъкидлашининг ҳам замирида шу ғоя ётади.

Навоий бир мамлакатни, бир халқни золим, босқинчи подшоҳ босиб олишини, бунинг натижасида у мамлакатнинг вайрон қилинишини, у ернинг халқининг тобе этилишини ғазаб билан нафратлади.

Золим Эрон подшоҳи адолат ва осудалиқда яшаётган арман халқини босиб олиши, унинг бойлигини талаш ва маликасини (Фарҳоднинг севгилисини) асир этиш мақсадида Армания ўлкасига юриш қилганда Навоий ўз Фарҳодини унга қарши курашга отлантиради. Разил душманга зарба бериш йўлида Фарҳод фидойилик билан қаҳрамонлик кўрсатади. Шу йўлда қурбон бўлади.

Навоий Искандари деярли бутун дунёни олади; олинган ўлкалар, ундаги халқларнинг бошқа-бошқа бўлишларига қарамасдан, Искандар уларга баробар қарайди, бирисини иккинчисидан юқори қўймайди. Уларнинг ҳаммасига соф виждонли бир инсон кўзи билан қарайди, уларни осудалик билан таъмин этади, у ерларда адолат ўрнатади, уларнинг тинчлигини бузаётган, бахтига, тинч меҳнатига тажовуз қилаётган душманларни яксон қилади ва ҳоказо. Бу ишларида Искандар ҳамма ўлкаларга, у ўлкаларнинг халқларига, ўз ватани Румдан тортиб то узок

---

<sup>35</sup> Ўша асар. 330-бет.

Ҳиндистон, ҳинд халқигача, Арабистон халқларидан тортиб то Хитой халқларигача баробар муносабатда бўлади. У, масалан Кашмирга бориб, уни қўлга оларкан, тезда адолат ўрнатишга, халқни хурсанд қилишга киришади. Ўша ўлканинг тақдирини ўша ўлканинг ўз халқига, шу халқдан чиққан Фирузга топширади ва унга шундай шарт-вазифалар кўяди:

Сениким бу мулк узра шоҳ айладим,  
Бу кишварда кишварпаноҳ айладим.

Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,  
Адолат йўлин ихтиёр айласанг,

Раиятга сендин етиб шодлик,  
Мамоликка юз қўйса ободлик<sup>36</sup>.

Фируз бу топшириқни бажаришни Искандарга ваъда қилади. Шундан кейин Искандар Ҳиндистонга юриш қилади ва бу юришда у, йўл-йўлакай

Ёмонлардин офоқни пок этиб,  
Вале яхшиларни тарабнок этиб.

Қилиб саркаш эл шавкатин ерга паст,  
Забардастларни қилиб зердаст.

Этиб даштни адлидин бўстон,  
Анго тегурким, мулки Ҳиндустон<sup>37</sup>.

Искандар ўз қалбида ўз ватанига, ўз халқига қандай муҳаббат сақлаган бўлса, Ҳиндистонга, ҳинд халқига ҳам шундай муҳаббат сақлаб, уни севиб, бу ўлкани ҳам адолат билан обод қилади. Ҳинд халқини бахтиёр этади... Бу Навоийнинг орзулари,

---

<sup>36</sup> Навоий. Хамса, 729-730-бетлар.

<sup>37</sup> Навоий. Хамса, 735-бетлар.

улуғвор идеали эди. Айни пайтда замондоши Хусайн Бойқарога ҳам адабий ўғитлари эди.

Ул элгаки дашт соридур майл,  
Турку арабу булужу ҳар хайл,  
Лола киби зоҳир айлабон кўрк,  
Эгри қўюбон қизил тери бўрк,

Қўйга бўридин бўлуб амонлик,  
Қўйчи ити бирла посбонлик<sup>38</sup>.

Навоий ҳақиқий инсонийлик принциплари асосига қурилган марказий монархия, давлат идеясини илгари суради. Унинг фикрича, майда мустақил давлатлар, бекликлар мамлакатларнинг, халқларнинг тараққийси учун, осудалиги учун зарарлидир. Уларнинг ўрнига бир марказий монархия, марказий усули идора ўрнатилса, бу, тинчлик ва тараққиётга эришиш учун, унинг тантанаси учун бир йўлдир. Бу марказий давлат устида турган шоҳ, монархия мутлақ ҳокимлик асосига қурилган бўлмасдан, шоҳ ўзини чексиз ҳуқуқларга эга деб ҳис қилмасдан, ўз атрофида турганлар (буюк олимлар ва ҳ.к.) билан бирга ҳаракат қилиши керак.

## **2.2. Алишер Навоий фозил жамият қуришда ҳукмдор ва мансабдор шахсининг маънавий ва ахлоқий фазилатларининг ўрни ҳақида**

Алишер Навоийнинг давлат ва унинг раҳнамоси ҳақидаги қарашларида раҳбарнинг маънавияти, жумладан хулқи-ахлоқи масалалари марказий мавзулардан ҳисобланади. Айниқса у золим подшоҳлар, разиллар ҳақида сўзлаб, уларнинг халқ, мамлакат душманлари эканликларини фош этади, уларнинг ярамасликларини, саройдаги ифлос ҳаёт тарзини, май-базмларни қоралайди:

Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,  
Зулм сари тушти ва лекин йўлунг.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,

---

<sup>38</sup> Навоий. Хамса, 353-бет.

Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Зулм ўзинга фискдур, эй хушёр,  
Гум қил ани бўлса сенга хуш ёр.

Чунки фарах базмиға азм айладинг,  
Айшу тараб азмиға базм айладинг,

Қасрки, базм анда мухайё бўлуб,  
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,  
Лаълию шингарфи улус қонидин.

Шамсаси эл моли била зарнигор,  
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,  
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Анда тузуб маснада шаҳаншаҳи,  
Айшу тараб жоми учун муштаҳи.

Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,  
Аҳли ғино ҳар сори дастон навоз.

Ҳарнеки марғуби эрур нафсининг,  
Топилиб ул базмда бир йўққи, минг.

Тил бори ул дебки, демак хўб эмас,  
Кўз кўрубон оники, матлуб эмас.

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,  
Марг кунидин доғи ёд айлагил.

Зулмунг эрур кундузи фисқинг кеча,  
Зулм ила фисқинг неча бўлғой неча?<sup>39</sup>  
Навоий шундай подшоҳ ҳақида ёзади:

“Мулк бузуғлуғидин замирига жамъият ва улус паришонлиғидин хотирага амният. Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар тоқчалари бойқушга ошиёна... Агар қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша”<sup>40</sup>.

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.  
Анинг коми бирла тирилмак эрур,  
Маош айламай аждаҳо комида<sup>41</sup>.

Навоий мана шундай ноиблар, вазирлар тўғрисида сўзлаб ёзади:

“Вазир визрдин<sup>42</sup> муштарақдир ва бу феъл анинг зотига аҳақ ва аляқдур... бу золимлар – мулкни барбод бергувчилардир ва мулк аҳли йиғиштурғонларин йитиргувчилардур... Булар, жумласи чиёнлар, халойиққа етқузур зиёнлар. Килклари нўги ақраб ниши, райият жониға ул ниш ташвиши. Неча бу ниш мазлумларға сончилғай, умид улки, бошлари ажал тоши билан янчилғай”<sup>43</sup>.

Навоий мана шундай бедиёнат садрлар, дин бошлиқлари, муфтилар, қозилар тўғрисида сўзлаб айтади:

“Бедиёнат судур бидъати саййнадур било-зарур. Бу нокаслар агар омийдур, фисқу фужур анинг комидур. Мажлисида нағма навозлик илм ва тақво азосиға

<sup>39</sup> Навоий. Хамса, 60-61-бетлар.

<sup>40</sup> Навоий. Асарлар, 13-том, 12-бет.

<sup>41</sup> Навоий. Хазойинул-маоний, II, 701-бет.

<sup>42</sup> Бу ерда Навоий сўз ўйини ишлатадики, унинг маъноси: визр гуноҳ маъносида бўлуб, вазир, сўзи гуноҳ сўзидан келиб чиққандир.

<sup>43</sup> Навоий. Асарлар, 13-том, 13-14-бетлар.

навҳасозлиқ. Уламо келтурган гулоб шишаларики холи қолиб, бода солурға ани мулозимлари олиб. Булар келтурган набот газак учун ушалиб, вазифа важхлари ўзга асбоб учун сайғолиб. Бадкирдор анда ғалаба, пойкор анда талаба. Навкарларига ош, хонақоҳ ротибасидин ва чуқурларига маош шайх ва мударрис вазифасидин. Базмиға май келтургали мухтасиб рози, майга бодаполо риши кози...”

Керакки бошиға қўйса алоқалиқ дастор,  
Ёнарда ҳам анинг эгнида маволийдек,

Йўқ улки маркаби бўйниға боғлаб осса қўтос  
Осилғай ўзининг ўз бўғзидан сақолидек<sup>44</sup>.

“Бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ эткувчи ва юз карам учун кўп “ло”ни “наам” битгувчи. Ва бир сабат узум учун бир боғни куйдурмақдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун бир хирмонни совурмақдин алами йўқ...”<sup>45</sup>.

... “Омий қозики май ичкай – ўлтўргўлукдур ва дўзах ўтиға етмасдин бурун куйдургулукдур”<sup>46</sup>.

Навоий ўзларини худонинг ердаги вакили деб, ўзларига илоҳий тус бериб халқни талон-тарож этувчи, халқни алдаш каби разил ишлар билан машғул бўлувчи нойибларнинг ниқобларини йиртиб ташлайди ва улар ҳақида ёзади:

... “Нубувват тухматин ўзига солғон ва Жабраил ва ваҳийдин дегони бори ёлғон.

Мунга ҳам шоҳ хусусияти изҳори, ғайри воқеъ ёлғон бори. Ёлғон ҳукм еткуруриға боис таман шум ва ўтрук парвона еткуруриға сабаб ҳирси мазмум. Нима олурда ёлғон анга чин ўрниға ва мусулмонларға нуқсон анга дин ўрниға, ёлғон борида анга чин демаки маҳол ва ришват олурда ўзга сўз деб, аммо кўнглида ўзга хаёл...”<sup>47</sup>.

Навоий ёмон ҳукмдор ва мансабдорларни яхши қилишда насиҳатга, тарбияга жуда катта аҳамият беради.

---

<sup>44</sup> Ўша сар, 14-15-бетлар.

<sup>45</sup> Ўша асар, 18-бет

<sup>46</sup> Ўша асар, 18-бет.

<sup>47</sup> Навоий. Асарлар, 13-том, 12-бет.



Шу аспектда Навоийнинг қуйидаги ҳикояси характерлидир.

Искандар халойиққа жуда катта зарар бераётган, халқнинг тинчлигини бузаётган ваҳшийлар – мўрлар тоифасига қарши халқни азобдан қутқозиш учун уруш бошлайди ва жангга катта ҳозирлик кўриб, эҳтиётлик билан киришади, ваҳшийларга қарши жуда кўп аскар ташлайди. Бу ҳолдан мўрлар таҳликага тушадилар ва жанг майдонига улар бошлиғининг ўзи тушади, жангга киришади. Мўрларнинг бу девсифат бошлиғи кучлиликда, ҳайбатлиликда икки филдек, даҳшатлиликда, қаҳрамонликда, омонсизликда оддий ақлга сиғмас даражада эди. Искандар ўзининг энг кўзга кўринган ботирларини, ном чиқарган, донги ҳар ерга кетган, шу вақтга қадарли бўлган аёвсиз жангларда енгилишни билмаган қаҳрамонларини жанг майдонига, ҳалиги девсифат ваҳшийга қарши ташлайди. Лекин мўрларнинг бу ҳайбатли бошлиғи уларни енга беради ва Искандарни, унинг одамларини ҳар хил хунук сўзлар билан таҳқир қила беради, жуда катта зарар етказади. Вазият борган сари таранглашади ва бу манзарани кўздан кечириб турган Искандар чуқур ҳаяжонга, катта таҳликага ва мағлуб бўлиши, ҳамма ёқни бало ўз кучоғига олиши эҳтимолидан ҳавотирга тушади. Шу пайтда ўртага тўсатдан бир ниқобли паҳлавон тушади ва ажиб қаҳрамонлик кўрсатиб, мўрлар бошлиғи ваҳшийни асир этиб, Искандарга тақдим этади, ғалаба қозонилади. Бунга бағишлаб Искандар тантанали базм ташкил этади. Шу базм қизиқ турган пайтда Искандарнинг буйруғи билан асирни у базм одамлари ҳузурига келтирадилар, банддан уни озод этадилар. Унга илтифот кўрсатилади, бир қанча май тўла коса тутилади. Искандарнинг бу олижаноб ҳаракатидан, илтифотларидан ваҳшийнинг юраги юмшаб, Искандарга тан беради, куллуқ қилади ва ҳамиша унга тобе бўлиб хизмат қилишга ваъда беради. Сўнгра у ўз қабиласининг олдига бориб келиш учун подшоҳдан ижозат сўрайди. Унинг бу илтимосини ҳам подшоҳ бажаради, у чиқиб кетади. Бундан ҳамма ҳайратда, кўплари кўрқувга тушадилар. Лекин деярли ҳамманинг кўзлаганига қарши у тезда базмдагилар ҳузурига ҳозир бўлади ва Искандарнинг енгилган, асир этилган паҳлавонларини озод ҳолда ўзи билан олиб келади ва уларни Искандарга самимият, садоқат нишони сифатида тақдим этади.

Шундан қилиб, ҳатто фалакни титратиш қудратига эга бўлган ваҳший сифатидаги балога барҳам берилади. Мана ақлили, тадбирли ҳаракатнинг натижаси. Шоир фикрича шоҳ билан халқ, давлат билан халқ бир бўлиши керак, шоҳ-давлат билан халқ орасида уйғунлик бўлиши керак, шоҳ халққа, мамлакатга хизмат қилиши керак. Бу - Навоий орзусидир.

Алишер Навоий мана шундай шоҳнинг қиёфасини қуйидагича чизиб кўрсатади: “Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиби амният ва рафоҳият. Қуёш билан абри баҳоридек қора туфроғдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ ва мадоросидин осуда, залама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидин фарсуда. Ҳиросатидин, кўю кўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин. Раъфатидин ҳар мактабда атфол ғавғоси ва муҳофазатидин зуафо ҳаммомида аларнинг алоласи, ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли. Забтидин амалдорлар қалами синук ва ситамкорлар алами йиқуқ... қисоси тиғидин ўғри илги эл молидин кўтоҳ, интикоми биймидин қотин тариқ холи адам биёбонида табоқ. Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ... Шаҳарда қўйлар посбони ул, ёзида қўйлар шубони ул. Раиятға саро ва боғ андин маъмур ва сипоҳига ком ва фароғ андин мавфур”<sup>48</sup>.

Шоҳ шундай бўлган тақдирда, дейди Навоий, халқ ҳам, табиийки, шундай шоҳни, шундай давлатни севадиган ва ёдлайдиган бўлади.

Демак, айтиш мумкинки, Навоий қарашича, шоҳ, давлат ва халқ муайян даражада бирлашиб кетадилар, бир моҳиятдаги ижтимоий воқелик бўлиб қоладилар. Навоийнинг қуйидаги сўзлари буни яна ҳам тасдиқлайди:

“Шоҳға ҳар кимки, мулозим ва тобеъ бўлғай, иши ва таври шоҳ ишига мушобих воқеъ бўлғай. Агар шоҳ адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар шоҳга зулм пеша – элида ҳам зулмидин андиша... Ҳукамо шоҳни дебдурлар: дарёи заххор ва қавму хайлин дарё теграсидаги анҳор. Дарё сувига не кайфият ва

---

<sup>48</sup> давлат, унинг иши, программаси нимадан иборат бўлишлиги керак, деган масала ҳақида жуда қимматли фикрларни айтиб ўтади. Хусусан унинг Хусайн Бойқарога бу ҳақда ёзган мактуби аيامиятли.

не хосият, анҳорга ҳам ул кайфият ва ҳосият. Ул аччиғ - бу аччиғ; ул чучук – бул чучук; ул тийра – бу тийра, ул сузук, бу сузук.

Ариғларки ул баҳрдин айрилур,  
Биликлик буларнинг суйин бир билур.

Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,  
Эмас таъмида ҳожати можаро<sup>49</sup>.

Табиийки, бундай ҳолат барқарор бўлган мамлакатда зулм йўқ. У ерда ўғрилиққа ва шунга ўхшаш бузуқликларга ўрин йўқ; у ерда маданият, фан кенг ёйилган, адолатлилик бор, у ерда ҳамма бир-бирига ошна-оғайнидирлар, бир-бирларига ёрдам берадилар, у ерда бирининг манфаатига, бахтига бошқаси тажовуз қилмайди, бир одамнинг иккинчи одам бахти хисобига бахтга эга бўлишлигига йўл қўйилмайди. У ерда аёллар асоратдан қутулган.

Алишер Навоий мана шундай жамиятни орзу этган эди, у ўз тушунчасидаги адолатли бошқарувга мана шундай жамиятни хаёл қилган эди, ўзининг бутун куч-қувватини, талантини мана шу идеалларга бағишлаган эди.

Навоий халқ тўғрисида гапираркан, бундан у, халқни ёппасига бир кўради, бир хил дейди, деган фикрга келиш нотўғридир. У тўғридан-тўғри айтадирки:

“Ҳар киши олам элида ҳўб эмас,  
Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас”.

Навоий жамиятнинг табақаларга бўлинганлигини маълум даражада кўра олган эди. Унинг тушунчасида, жамиятда ҳар хил кайфиятларга, хулққа эга одамлар, ҳар хил касб билан машғул одамлар борки, улар муайян ижтимоий табақаларни, сулукларни, маълум ижтимоий гуруҳларни ташкил этадилар. Навоий бу бўлинишларнинг реал сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилиб кўради, ҳамда уларни маълум маънода нафсга, иқтисодий манфаатларга боғлайди.

Алишер Навоий инсонларни яхши-ёмонга бўларкан, уларни табақаларга ажратаркан, уларни маълум сулукларга мансуб этаркан бунда, у ҳар нарсадан

---

<sup>49</sup> Навоий. Асарлар, 13-том, 17-бет.

олдин, уларнинг ҳақиқий инсоний хислатларга, шу жумладан биринчи навбатда меҳнатга, ҳалол меҳнатга, унинг натижасига бўлган муносабатларга асосланади ва шуни асосий ўлчов деб билади. Шу асосда Навоий инсонларни, аввало икки қисмга бўлади: биринчиси – Юксак инсоний хислатларга, ахлоқий фазилатларга кайфиятларга эга бўлганлар, уларга риоя этганлар, ҳалол меҳнат билан кун кўрувчилар, ҳалол виждоний ҳаёт кечирувчилар, ўзгаларнинг бахтига тажовуз қилмайдиганлар, ўзгаларнинг мулкига ҳасад билан кўз олайтирмайдиганлар; иккинчиси – текинхўрлар, ғоратчилардир, ҳар хил найранглар, хийлаю макрлар, ҳаттоки куч, зўрлик, қурол орқали бошқаларнинг бахти ҳисобига бахтли бўлишга интилувчилар, бошқалар ҳисобига бойлик орттирувчилар, инсоний фазилатларни поймол этувчилардир.

Шоир айтадики, давлат бошида турганлар, яхши, доно фикрли, халқпарвар бўлиб, одилона ҳаракат қилишлари, яъни тўғри идора этиш усулини (“усули идора”) қўлланишлари керак, мамлакатда, одамлар орасида фойдали ишлар олиб боришлари, насихат қилишлари, ёмонларни маънавий йўл билан ва агар бундай маънавий йўлдан иш чиқмаса, жисмоний, жазолаш йўли билан тузатишлари ёки йўқотишлари керак.

Одам жамият ҳодисаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда яшай олмайди; жамиятда яшаб, ундаги у ёки бу яхши ё ёмон нарсанинг таъсирида бўлади ва шу таъсир этган нарса бора-бора ўша одам учун табиий одатга айланиб кетади.

Шундай қилиб, одам ижтимоий муҳит маҳсулидир, жамиятда, одамлар орасида яшаб, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган муносабатларининг мевасидир.

Бинобарин, объектив келиб чиқадиган ҳулоса шуки, одамлар яхши бўлиши учун муҳитни яхшилаш керак, улар ақл, адолат, инсонийлик қоидаларига риоя қилиб бир-бирлари билан яхши, дўстона муносабатда бўлишлари керак.

Шундай қилиб, Навоий ҳақиқий одамийликни ва шунга асосланган жамиятни ахлоқан бузуқ, тубан кимсаларга, манфий муносабатларга қарши қўяди.

Яна бир ерда Навоий жамият аъзоларининг ораларидаги муносабатлар ҳақида ғоят муҳим хулоса қилиб айтадики, одамлар орасидаги бу муносабатларнинг асосида манфаат – иқтисодий омил ётади. Бундан ҳеч ким холи ва ҳорижда эмас ва бўла олмайди ҳам, шу туфайли одамлар бир-бирлари билан, чамбарчас боғлиқдир.

Навоий ёзади:

Башар хайликим жаҳл эрур лозими,  
Қачонким бўлурлар ҳар иш озими,

Агар нафъи ул ишта мақсуд эмас,  
Ул иш кимсадин билки мавжуд эмас.

Агар худ ғараз нафъи пинҳони йўқ,  
Бировдин бир иш бўлмоқ имкони йўқ.

Бажуз тифл ё улки девонадур,  
Хираддин бу иккиси бегонадур.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул,  
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул,

Қачон бўлса махлуқ аро бўйла ҳол,  
Ажаб йўқки, холиқдин ўлғай маҳол.

Буким нафъсиз халқ қилғай вужуд,  
Агар равшан ўтдур ва гар тийра дуд,

Неким офаринишқа пайвастадур,  
Бори бир-бирисига вобастадур.

Бир иш деса бўлмас сазовор эмас,  
Ки бир ришта тоб анди бекор эмас.

Бу худ собит ўлдики йўқ ҳеч зот,  
Ва ё ҳеч афъол ёхуд сифот,

Ки заминида хосияти бўлмағай,  
Вужудида кайфияти бўлмағай...<sup>50</sup>.

Навоий шуни ҳам айтиб ўтадики, кимдаким, айниқса раҳнамо одамда ақл, юксак инсонийлик устун бўлса, у ўз манфаатини – иқтисодий омилни ўзи учун биринчи ўринга қўймайди, унга оддий бир одамнинг яшаши учун нима керак бўлса, шугина керак. Етакчи ноибда ҳиссиёт ақлдан устун бўлса, у шахсий манфаатга берилиб кетади, ўзгаларни алдаш ва талаш йўли билан ортиқча бойлик тўплаш иши билан машғул бўлади. Бу инсонийликка ҳеч тўғри келмайди, ақлга тамомила зиддир.

Шоир умуман халқ молини талашликни, ўзлаштиришни ва шундай қилиб халққа, жамиятга, ватан манфаатига қарши турган бойлик орттиришни, шундай ишлар билан машғул бўлувчи золимларни ҳамда бундай бойликнинг ўзини қаттиқ қоралайди, бундай бойларнинг қабих ҳатти-ҳаракатларини ва характерини жуда усталик билан очиб ташлаб, заҳарханда аралаш ғоят кескин танқид қилади:

Ғинодур чу эл ҳурматиға сабаб,  
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,  
Ғаний бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Тутай, дун сифат кимсанинг ганжи бор.  
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор<sup>51</sup>.

---

<sup>50</sup>Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 208-бет. Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965 йил.

Навоий бойлик эгаларини, ҳукмдорларни ҳимматли, саховатли бўлишга, ўз бойлигини муҳтожлардан аямасликка, улар билан ҳамжихат кўришга зўр бериб чақиради:

Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,  
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Киши нақди гар бир қаро мис эмас,  
Агар ҳиммати бўлса муфлис эмас.

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,  
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати...

Чу ҳиммат эрур кимёйи вужуд,  
Ки андин топар эътибор аҳли жуд.

Бировким, анинг кимиёдур фани,  
Ани деса бўлғай эл ичра ғаний<sup>52</sup>.

Шундай қилиб, Навоий ижтимоий ҳаётда моддий омилларнинг қанчалик зўр эканлигини яхши тушунади, таъкидлайди, ўз давридаги айрим адолатсизликка, талончиликларга қарши бош кўтаради, инсонийликдан маҳрум бўлиб, зарбоф тўнга эга бўлган одамдан инсонийлик фазилатларига эга бўлган, лекин йиртиқ кийим кийган одамни афзал кўради, “Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиқ чапони била маҳбуб”<sup>53</sup>, дейди ва ўзининг инсонпарварлик ҳамда халқпарварлик ғояларига содиқ қолади. Шоирнинг энг идеал қаҳрамонларидан бири Искандарнинг Дорони енгиб, ўз сипоҳига ва халққа унинг хазинасини бўлиб бериб, айтган қуйидаги сўзлари тасодифий эмас, албатта:

Мавожиб сипаҳга чу таъзиф этиб,

---

<sup>51</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 10-том, 15-16-бетлар.

<sup>52</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 10-том, 14-бет

<sup>53</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 13-том, 69-бет.

Раият хирожини тансиф этиб.

Сипоҳийси ободу ҳам шод ўлуб,  
Раоёси ҳам шоду обод ўлуб.

Чу тўкти сипоҳу раиятка ганж,  
Ангау манга бартараф бўлди ранж.

Дедиким: “Манга ганж эмастур ҳавас,  
Сипоҳу раият – манга ганж бас.

Агар ганж эрур баҳру кондин фузун,  
Ва гар худ хизона жаҳондин фузун,

Чу нафъ эмастур алардин гумон,  
Алардур ҳамон тошу туфроқ ҳамон.

Агар нафъдин бўлса махзан йирок,  
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.

Ким ул хора бир тош эрур безарар,  
Вале ганждин элгадур юз хатар.

Кишинингким бенафъ эрур махзани,  
Жаҳон аҳлидур сарбасар душмани.

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур,  
Ки андин жаҳон фатҳи беранж эрур”.



Скандар чу топти бу сармояни,  
Эл узра солиб лутф ила сояни<sup>54</sup>.

Халқнинг манфаати ва осойишталиги; унинг ҳисобига тўпланган ва унга қарши турган бойликни, бундай бойлик эгаларини нафратлаш; халқни маълум даражада бўлсада муҳтожликдан қутқариш, маъмурлик билан таъмин этиш; адолатсизликка, тенгсизликка норозилик шоирнинг асл маслагидир. Худди шу халқпарварлик Навоийнинг иқтисодий масалалар билан ҳам жиддий машғул бўлишлигини тақозо қилади.

Ижтимоий ҳаёт тақдирини нима ҳал қилади, одамларнинг фаолиятлари ва ўзаро муносабатлари асосида нималар ётади деган масала азалдан бери аксар мутафаккирларнинг диққат марказида турган. Алишер Навоийда ҳам худди шундай. Бу ҳолат Навоийда биринчи навбатда шу билан изоҳ этилади ва тақозо қилинадики, бу зотни халқ, Ватан ва инсон тақдири, ўша вақтларда улар ҳолатидаги ҳоким фожеа ва ўта аянчли аҳвол машғул этган эди, бу фожеага хотима бериш ва аҳволни яхшилаш, мамлакатни обод, халқни бахтиёр қилиш, барчани ғайри инсоний иллатлардан тозалаш ва юксак инсоний фазилатларга эга қилиш учун кучининг борича интиланган эди, буни ўзи учун энг олий идеал деб ҳисоблаган эди.

Бу масаланинг бир томони ва ғоят муҳим томони.

Иккинчи томони шундан иборатки, Навоий ижтимоий ҳаётда, уни белгилашда, унинг йўналиши ва характерининг қандай бўлишлигини кўрсатишда шахс ва халқнинг, омманинг роли қандай эканлигига жуда катта ва жиддий эътибор беради.

Аввало, шуни айтмоқ лозимки, кўпгина ерда ва қатор масалаларда Навоий тарихда шахснинг ролига айниқса етакчи шахс рангига алоҳида аҳамият беради, уни тарихни ҳаракатга келтирувчи, жамият йўналишини белгиловчи, халқ оммасининг тақдирини ҳал қилувчи омил сифатида тушунади ва талқин этади.

Мана масалан, Фарҳод. У, гарчи, бир томондан, халқнинг қудрати ва даҳосини, қобилияти ва умуман энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқан юксак шахзодаларнинг типиклашган образи бўлса-да, иккинчи томондан, бир шахс

---

<sup>54</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 10-том, 113-114-бетлар

сифатида фавкулода оддий ва фавкулотда табиий бир мустасно сиймодир. Унинг бир ўзи хар нарсадан зўр - аждаҳолар билан олишади, енгади. Кўпчилик узок вақтлар мобайнида қила олмаган ишни бир ўзи жуда қисқа вақт ичида амалга оширади – метин тоғни кесиб сувга йўл очади. Мамлакатга минг-минг аскарлари билан бостириб кирган Хисравга қарши бир ўзи курашга ташланади ва ғалаба қила бошлайди (Хисравнинг хийласи туфайли ниҳоят мағлуб бўлади).

Умуман, Навоий айниқса шоҳларнинг тарихдаги, жамиятдаги, халқ ҳаётидаги ролини ажратиб кўрсатади. Тарих ғилдираги қандай ва қай томонга айланиши шоҳга боғлиқдир, мамлакат ободлиги ё вайронлиги яхши ёки ёмон шоҳга боғлиқ, қисқа қилиб айтганда, шоҳ қандай бўлса, жамият ҳам, унинг одамлари ҳам шундай бўлади деган хулосаларга келади.

Навоий фикрича, шахс жамиятдан ташқарида, бошқалар билан муносабатда бўлмасдан яшамайди, маълум маънода – яшай олмайди ҳам. Бир устун уйни уй қилиб кўтариб тура олмаганидек, якка одам ҳам ўзича яшай олмайди, унинг аҳволи ҳам ўшандай, унинг аҳволидай, яъни, уй бир устунли бўлса, у уй ҳолида тура олмайди.

Навоий кўп ерда қайта-қайта қайд қилиб айтадики, шахснинг тақдирини унинг атрофидаги омма, халқ ҳал қилади. Бу ҳол шоҳларга ҳам тамомила оиддир:

Не шахдинки атбои хушнуд эмас,  
Пушаймонлиғи иш чоғи суд эмас.

Курур чун гулистондин айрилди гул,  
Ки бир лукма этдур бадансиз кўнгул.

Анингдекки хушдур сипаҳ бирла шоҳ,  
Ҳам андоқдурур шоҳ бирла сипоҳ.

Шаҳу хайл маъшуку ошиқ керак,

Не ишким қилурлар мувофиқ керак.

Жаҳон олмоқ осон саруқор эмас,  
Вале иттифоқ ўлса душвор эмас<sup>55</sup>.

Бу ерда асосий масала бундай халқпарварлик ва гуманистик қарашларни ўртага ташлашдагина эмас. Навоий икки томонлама иттифоқликни ҳар хил йўллар ҳамда воситалар ёрдами билан исбот қилмоқчи бўлади. Гўёки “қарс икки қўлдан чиқади” деган фикрни илгари суради. Димоғланиб, халқни менсимасликдан эҳтиёт бўлишни таъкидлайди.

Шоҳга қарата шоир ёзади:

Улус узра, эй бандаким, шоҳсен,  
Неча сўз эшитгил гар огоҳсен:

Гуруҳеки ул сойири-носдур,  
Сенинг хукмингга ишлари посдур.

Эрурсен сену ул гуруҳ инсдин,  
Бори офаринишда бир жинсдин.

Камол ичра сендин кўпи аржуманд,  
Яна қобилиятда доғи баланд.

Сениким ҳақ айлаб бориға амир,  
Аларни санга қилди фармонпазир.

Қаю бирга берса эди бу кушод,

---

<sup>55</sup> Алишер Навоий, Асарлар, 10-том, 113-114-бетлар

Не қилгай эдинг қилмайин инқиёд?

Бу ким ҳақ сени имтиёз айлади,  
Бори халққа сарафроз айлади.

Гунаҳдин тилар чоғда ҳақдин амон,  
Ўзунгни аларнинг бири қил гумон.

Неким ўз қошингда эрур нораво,  
Улусқа ани кўрма асло раво.

Чекар чоғда мужрим итобиға тил,  
Ҳақ оллида журмунгни ёд айлагил<sup>56</sup>.

Маълумки, ўша вақтларда шоҳ бўлишлик мерос тарзида наслдан наслга ўтиши вожиб бўлган. Халқ ва мамлакат тақдирини шоҳ қандай хоҳласа, шундай ҳал қилишга ҳақлидир деган фикрлар ҳоким қонун-қоида кучига эга эди. Шундай йўл билан шоҳларнинг зулми, мамлакат ва халқни талон-тарож қилиш ҳаракатлари маълум гуруҳлар томонидан оқланар ва асосланар эди. Навоий эса бунга қарши чиқади, давлат бошлиғини - шоҳни халқ ўзи танласин ва бу бошлиқ, шоҳ ўзини халқдан юқори қўямасин, ўзбилармон бўлмасин, ўзини бошқалардан ажратиб манманлик қилмасин, қобилиятсиз ва шунинг учун мунофиқ ҳамда фитначи бўлганлардан ўзини сақласин, самимий дўстлар, ҳақиқий олимлар, фозиллар, донишмандлар билан бирга бўлиб, эртадан кечгача мамлакатни обод, халқни фаровон ҳамда осуда қилиш, золим, талончи ярамастарни йўқотиш ишлари билан машғул бўлсин деган фикрни ўртага ташлайди.

Мана

Скандарки, донойи офоқ эди,  
Билак ичра офоқ аро тоқ эди<sup>57</sup>,

<sup>56</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 200-бет.

<sup>57</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 24-бет.

Отаси вафот этгандан кейин, “улусни йиғиб, тузди бир анжуман”<sup>58</sup> ва деди:

Ки: “Эй қавмким, мулкунгиз келди Рум,  
Ки оллимда ҳоло қилибсиз ҳужум.

Агар сарафроз, ар сарафкандасиз,  
Бори тенгриға мен киби бандасиз.

Эмон сиз киби, сиздин ўксук базе,  
Атосиз, дил озурдаи бекасе...

Сиз эмди ўзунгузга шаҳе топинг,  
Бу кишварға кишварпаноҳе топинг.

Ҳар ишта замон аҳлининг фойиқи,  
Ки то бўлғай ул шоҳлиғ лойиқи.

Қуёшдек қавий меҳру равшан замир,  
Ва гар чиқса ашҳабқа офоқгир.

Адолат аро фасли навруздек,  
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек.

Ириклик чоғи хасмға чорасиз,  
Қотиғлиқ маҳалли раиятнавоз.

Анга тахту давлатни маскан қилинг,  
Бошин тож бирла музайян қилинг.

---

<sup>58</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 25-бет.

Ким, ул ёғдириб абри эҳсонини,  
Эрамдек қилиб мулки бўстонини.

Адув хайлини ошуфтаҳол айласун,  
Санам зулфидек поймол айласун...

Адолат қилурнинг топиб ҳолатин,  
Фузун қилсун элга адув олатин.

Неким ҳақ буюрмуш, бўлуб пайрави,  
Ҳақ айтур улус илгин этсун қавий.

Бериб зулмгустарга фарсудалиқ,  
Раиятқа еткурсун осудалиқ<sup>59</sup>.

Бундан ҳамма беҳад хурсанд бўлади ва Искандардан шоҳ бўлишликни қайта-қайта илтимос қилади. Ниҳоят Искандар рози бўлади ва халққа қараб мурожаат қилади:

Ки берди манга додгарлик илоҳ,  
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,

Келиб олима арзи ҳол айласун,  
Ўз аҳволини қийлу қол айласун.

Қошимда сўзин арз айлар замон,  
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.

---

<sup>59</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 25-27-бетлар.

Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,  
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате.

Не шах деб мени айласун изтироб,  
Не мақсуд адосида қилсун шитоб.

Аён айласун реши дарду ғамин,  
Ёқай дод бермак била марҳамин<sup>60</sup>.

Искандар ўз ваъдаларига содиқ қолади ва кечаю кундуз адолат, халқ, Ватан ишлари билан машғул бўлади. Оқибатда, кўп ўтмай мамлакат обод ва халқ бахтиёр бўлади:

...Атоси замонида ҳар навъ иш,  
Ки андин халойиққа озор эмиш.  
Тамомин улус бошидин қилди дафъ,  
Етушсин деб андин халойиққа нафъ.  
Яна шоҳлар ҳодис этган русум,  
Ки бедод эмиш эл аро бу умум,  
Алар тарҳини бузди бунёддин,  
Халойиқни кутқорди бедоддин.  
Адолат тариқини фош айлади,  
Сиёсат анга дурбош айлади...  
Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,  
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум<sup>61</sup>.

Худди шу туфайли, яъни тенги йўқ билимдон, доно ва самимий дўст олимлар билан биргаликда, уларнинг оқилона маслаҳатларига қулоқ осиб, одилона ҳаракат

---

<sup>60</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 30-31-бетлар.

<sup>61</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 10-том, 31-33-бетлар

қилиб, халқ билан бўлиб, унинг додига етганлиги, манфаатини кўзлаганлиги учун Искандар ҳеч ерда ва ҳеч бир масалада мағлубиятни билмайди, мавқеи, ҳокимияти мустаҳкамланаверади ва дунёни забт этади, - Навоийнинг қуйидаги сатрларда ифодаланган энг юксак гуманистик орзусини амалга оширган бўлади:

Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил<sup>62</sup>.

Бу ерда қиёсан шуни ҳам айтиб ўтмоқ мумкинки, “Сабъаи сайёр”даги Баҳром шох мамлакат ва халқдан ажралиб қолганлиги учун, мамлакат ва халқ манфаати билан машғул бўлмаганлиги учун, айшу ишратга берилиб, зулм ўтказганлиги учун ҳалок бўлади, - халқнинг беҳақ тўкилган қони ва кўз ёшларидан пайдо бўлган ботқоқлик уни ютиб юборади.

Демак, Навоий ҳукмдор тимсолининг икки намунасини беради, қиёслаб, тўғри хулоса чиқариш учун китобхонага имконият яратади. Дарҳақиқат Баҳром шох инсоний қусур, маънан тубанлашишнинг мисоли сифатида аянчли ўлимга маҳкум этилса, Искандар буюк инсоний фазилатлари, юксак ахлоқи, “хулқи ила олам элини шод қил”гани, мулку давлати билан халқини фаровон ва бахтиёр қилгани учун мангу шуҳрат, шон-шараф топади. Навоийнинг ўз замонасига, қолаверса, бизнинг давримизга сабоқ бўлгувчи қарашларининг туб моҳиятида ана шу олижаноб ғоя ётади.

---

<sup>62</sup> Ўша асар, 6-том, 215-бет.



## Х у л о с а

Алишер Навоий ижоди, унинг ижтимоий сиёсий, илмий-фалсафий қарашлари асрлар ўтгани сари ўз аҳамиятини йўқотмай, ҳамон инсонларни ҳаяжонга солиб, тафаккурини юксалтириб, улуғвор ишларга руҳлантириб келмоқда. Навоий адабий даҳоси, фақат ўзбек миллати ёки туркий халқларнигина эмас, айнаи чоғда умуминсониятнинг маданий тараққиётига безавол хизмат қилиб келмоқда. Биз унинг шеърятидан, дostonлари, насрий ва илмий асарларидаги ғояларидан, юксак инсоний фазилатларни улуғлаган қаҳрамонларидан озукланамиз ва ўз амалий фаолиятимизда қўллаймиз. Шу маънода Навоий қарашлари биз учун ибрат ва бугун ҳам яшашда давом этаётган маънавий мулкдир.

Навоий гарчи ўзи Хусайн Бойқаро салтанатида катта лавозимларда ишлаб, мамлакат ободлиги ва халқнинг фаровонлиги учун жуда кўп ишлар қилган бўлса-да, барибир дostonларида меҳр билан тасвирлаган идеал жамият ва идеал подшоҳ ҳақидаги орзуларига эриша олмади. У Соҳибқирон Амир Темурдан кейин йирик марказлашган давлатнинг майда хонлик, бекликларга бўлиниб кетаётганининг гувоҳи бўлаётган эди. Бундан қаттиқ қайғурар эди. Чунки Навоий кучли, марказлашган, йирик давлат сақлансагина ва у илм-маърифат, адолат билан бошқарилсагина ривожланиш, тараққиёт бўлади ва халқ ўзининг беқиёс ижодкорлигини намоён этади деб ҳисобларди. Айнан мана шу қараш бугунги Ўзбекистонда ҳам давлатчилик тамойилларини белгилаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Яъни Республикамиз Президенти Мустақиллик эълон қилинмасидан аввалроқ халқнинг бирлигини сақлаш, уни маҳаллийчилик, бошбошдоқлик, анархия ботқоғига ботиб кетмаслиги учун курашди. Атроф давлатларда ана шу миллий бирликнинг йўқлиги учун биродаркушлик низолари авж олганда, Ўзбекистонда халқ жипслиги, тўғри ижтимоий сиёсат туфайли тинчлик ва бунёдкорлик барқарор бўлди. Мана шуни назарда тутиб юртбошимиз халқимизнинг бирлиги ва жипслиги Истиқлолимизнинг бош ютуғидир, деб таъкидлаган эдилар.

Навоий давлат, подшоҳ билан халқининг бир бўлишини, уларнинг бир моҳиятга эга бўлиб, бир мақсадни кўзлашлари зарурлиги ғоясини куйлаган эди. Дарҳақиқат мана шу ўлмас меросга таянган мустақил Ўзбекистонда давлатчилик негизлари қурилар экан Президентимиз бир ягона миллий ғоя атрофига бирлашиш ташаббусини илгари суриб, давлат ва халқ мақсад ҳамда манфаатларини бирлаштиришга, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун барча ҳаракатларимизни йўналитирилиши лозимлигига асосий эътиборни қаратдилар. Бу ҳам Навоий қарашларининг янги давр, янги шароитларда орадан беш юз эллик йил ўтиб ҳам яшаб келаётганига далилдир.

Мазкур битирув-малакавий ишида улуғ бобокалонимиз ижодини давлат бошқарувининг маънавий асослари ҳақидаги қарашлари нуқтаи назаридан ўрганар эканмиз унинг бугунги кундаги энг аҳамиятли жиҳатлари қуйидагиларда деб билдик:

-Навоий Темурийлар салтанатининг барқарорлиги, мустаҳкамлиги учун амалий ҳам ижодий фаолият олиб борар экан, у марказлашган сиёсат устивор бўлган ва амал қилган шароитдагина давлат кучли ва бардавом бўлади деб ҳисоблайди;

-Улуғ шоир ҳар қандай мамлакатнинг бирлиги, халқнинг жипслиги давлат мустаҳкамлиги, халқнинг тинч, бунёдкор меҳнати учун гаровдир деб билади;

Давлат, шоҳ ва халқнинг бир ғоя атрофида бирлашиб, ягона мақсад сари интилиши давлатнинг мустаҳкамлиги, мамлакатнинг тараққиёти учун асосий омилдир;

Навоий тўлиқ инсонийлик тамойилларига асосланган подшоҳлик ҳукмронлиги ғоясини илгари сураб экан бунда яъни шундай усулдаги давлат бошқарувида, ҳар бир ишда ҳамиша адолат мезони амал қилишини юрт тинчлиги ва осойишталигининг кафолати деб ҳисоблайди;

-Навоий подшоҳ шариат талаблари, яъни қонунлар асосида иш кўриши ва унга тўла амал қилиши, унинг бузулмаслигини кафолатлаши лозим дейди;

-Хукмдор халқнинг аҳволидан, мамлакатнинг ташқи ва ички ҳаётидан тўла оғоҳ бўлиш зарур деб билади:

Эурсен шоҳ – агар оғоҳсен сен.

Агар оғоҳсен – шохсен сен.

-Шоҳ ва фуқаро ўртасида ўзаро ишонч, меҳр қарор топиши лозим. Халққа нисбатан ўз ваколатларини суистеъмол қиладиган мансабдорлар бўлмаслиги керак. Чунки улар фуқаронинг шоҳга бўлган ишончи ва меҳрини сусайтиради.

-Мамлакатда илм-фан, маърифатни ўстириш, шу соҳа вакилларини ҳамиша шоҳ ўзига яқин тутиши зарур деб ҳисоблайди. Чунки давлат сиёсатининг барча нозикликларини билиб, англаб шоҳга тўғри йўл кўрсатувчилар шулардир. (Шоҳ Искандар атрофида ҳамиша етти уламо, илм аҳлининг бўлиши – Искандарнинг соҳибқиронлик даражасига етиши, муваффақиятларининг омилидир).

-Зулмни маҳв этиш, золимларни жазолаш, ёвузликка қарши курашиш, софдил одамларни ҳимоя қилиш юрт тинчлиги, раиият фаровонлиги, мамлакат осойишталиги учун гаровдир:

Бўлса керак фикр ила шоҳи жаҳон

Яхшига яхшию, ёмонга-ёмон.

-Хулқи-ахлоқи билан намуна бўла олган шоҳгина эл эътиборини, ҳурмат ва муҳаббатини қозониб, узоқ йиллар ҳукмронлик қила олади.

Мана шу қарашлар Алишер Навоийнинг давлат ва унинг раҳнамолари амал қилиши зарур деб ҳисоблаган муҳим жиҳатлардир. Бундан ташқари улуғ мутафаккир илмий-тарихий асарларида, Темурий шоҳ ва шаҳзодалар билан ёзишмаларида, хатларида яна жуда кўп фикрларни илгари сурадики, бу фикр ва қарашлар бугунги кунимиз учун, раҳбарлар, турли лавозим ва мансабдорликка тайёрланаётган шахслар учун маънавий дастурдир.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Президент И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.:Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.:Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1997. I.7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. 6-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни –халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. –Т: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т: Шарқ, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Биз танланган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
13. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент:Ўзбекистон, 2008.
16. Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси

- Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2008 йил 5 декабрь - Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
- 17.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги маъруза.//Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
- 18.Каримов И.А.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
- 19.Каримов И.А.. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.-Т.:Ўзбекистон, 2015.
- 20.Каримов И.А.Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2015 й. 6 декабрь.-Т.:Ўзбекистон, 2015.
- 21.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодий-иқтисодимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.2016 й.15 янв.-Т.:Ўзбекистон, 2016.

## **II.Китоблар:**

22. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. 20-жилд, 1998-2006.
- 23.Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. –Тошкент. 1985.
- 24.Алишер Навоий. Асарлар (15 жилдли). – Т.: 1963-1968 .

25. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами (20 жилдли). – Т.: 1987-2000.
26. Азиз Қаюмов. “Садди Искандарий” (Алишер Навоий ҳақида) - Тошкент, 1975.
27. Азиз Қаюмов. “Алишер Навоий”, “Ажойиб кишилар ҳаёти” –Тошкент, 1991.
28. В. Зоҳидов. “Улуғ шоир ижодининг қалби” –Т.: 1970.
29. Иззат Султон. “Навоийнинг қалб дафтари” Т.: 1969.
30. И. Хаққул. “Камол эт касбим”-Тошкент: “Чўлпон”, 1991.
31. Н. Комилов. “Тафаккур карвонлари”.-Тошкент: “Маънавият”, 1999.
32. Н. Маллаев. “Ўзбек адабиёти тарихи” 1-китоб.-Тошкент: “Ўқитувчи”, 1970.
33. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 6-том. “Навоий” романи.-Тошкент, 1976.
34. С. Олимов. “Нақшбанд ва Навоий”. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
35. Тўплам: “Навоий замондошлари хотирасида”. -Тошкент, 1986.
36. Х. Болтаев. “Алишер Навоий буюк давлат арбоби” -Т.: 1993.
37. “Ўзбек адабиёти тарихи”. II-том.-Тошкент: “Фан”, 1980.
38. Ж. Яхшиликков, Ш. Аҳадов. “Темурийлар маънавияти” Тошкент: “Фан”, 1999.
39. Зайниддин Васифий. “Бадоеъул вақоеъ”. -Тошкент, 1979.